


496




2015/5

GULISTON



3m / 1/2





**Самарқанд шаҳридаги «Сувоқова»
корхонаси мамлакатимиздаги
барча ўқитувчиларни 1 октябрь —
Ўқитувчи ва мураббийлар кuni
билан муборакбод этади.**

**ООО «ICE-SERVIS» жамоаси 1 октябрь
— Ўқитувчи ва мураббийлар кuni
муносабати билан юртимиздаги барча
устозларни табриклайди.**

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозлар!



Jurnal 1925-yildan chiqq boshlagan

Muassis:

**O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport
ishlari vazirligi**

Bosh muharrir:

Minhojiddin MIRZO

Tahririyat:

Bosh muharrir o'rinbosari:

Temur A'ZAM

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbir:

Mashrab NURINBOYEV

sahifalash va dizayn:

Nigina QODIROVA

navbatchi muharrir:

Nilufar HAYITOVA

Jamoatchilik kengashi:

Muhammad ALI

O'zbekiston Yozuvchilar
uyushmasi raisi

Fotih JALOLOV

O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport ishlari
vazirining birinchi o'rinbosari

Suvon NAJBIDDINOV

«Matbuot tarqatuvchi»

AK Bosh direktori

Abduvahob NURMATOV

Andijon viloyati hokimligi
mas'ul xodimi

Baxtiyor SAYFULLAYEV

O'zbekiston davlat san'at va
madaniyat instituti rektori

Norbek TOYLOQOV

Pedagogika fanlari doktori,
professor

Rustam QOSIMOV

«O'zbekiston pochta»

OAK Bosh direktori

E-mail: gulistonjurnali@inbox.uz

USHBU SONDA

*Manzura SHAMS
Ilm yo'lida ustoz,
hayot yo'lida ibrat*

*Ahmadjon MELIBOYEV
Ma'naviy komillik belgisi*

*Ikrom OTAMUROD
Balki...*

*Xay XING
Siz yashashingiz kerak*

*Muxtor XUDOYQULOV
Bori elg'a yaxshiliq qilg'ilki,
mundin yaxshi yo'q...*

*Halima AHMEDOVA
Sen borsan*

*Anvar QURBONOV
Raqslar og'ushida*



Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 18.03.2008-yilda ro'yxatga olingan.

Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi.

Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin.

«Guliston» jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart.

Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x84¹/₈. Buyurtma № 70. Adadi: 1000 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq. Bosmaxonaga 08.10.2015-yilda topshirildi. Bosishga 08.10.2015-yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

Jurnal «SHIDASP» MCHK bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Olmazor ko'chasi.



ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли устоз ва мураббийлар!

Авваламбор, сиз, азизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилақларимни изҳор этаман.

Бу дунёда ҳар қайси онгли инсон — қаерда ишласин, қандай касбу қор, лавозим эгаси бўлмасин, унга билим ва тарбия бериб, ҳаётга йўллаган муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлари олдида ҳамиша қарздорлик ҳисси билан яшайди.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлигини бағишлаб, барчамизга эзгуликдан сабоқ берган, отадек мўътабар, онадек меҳрибон сиз, азиз устозларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин ва ташаккурлар айтсак, арзийди.

Муҳтарам ўқитувчи ва муаллимлар!

Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тарихан қисқа даврда, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва матонати билан дунё миқёсида «ўзбек модели» деб тан олинган, ўзимизга хос, ўзимизга мос тараққиёт йўлини амалга оширганимиз ҳисобидан бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати тобора юксалиб бораётгани барчамизга мамнунлик бағишлаб, яқин ва узоқ кўшнилариимизнинг ҳавасини тортмоқда, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундай барқарор суръатлар билан ривожланишга эришиш учун биз қандай оғир йўлни босиб, турли синов ва қийинчиликларни, ғов ва тўсиқларни енгиб ўтганимиз, бугунги юксак марраларни қўлга киритишда ҳал қилувчи роль ўйнаган омил ва мезонлар ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, авваламбор, амалда ўзини оқламаган эски мустабид тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, тез ва шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб, янгича, мустақил фикрлайдиган, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, изланиш ва доимо изланиш, ғурур ва ифтихор билан яшайдиган янги авлодни тарбиялаш бўйича қандай улкан вазибаларни адо этганимизни яна бир бор эслашимиз ўринли, деб ўйлайман.

Ўз-ўзидан аёнки, биз мустақил ҳаётга қадам қўйиб, энг ривожланган мамлакатлар қаторига киришни, юртимизда демократик давлат, обод ва фаровон жамият қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун аввало айна шундай буюк ишга қодир бўлган янги авлодни вояга етказмасдан туриб, бу

йўлдаги барча-барча ҳаракатларимиз пучга чиқиши муқаррар эди.

Бундан 18 йил олдин қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, шу соҳада амалга оширган бошқа кенг қўламли ишларимиз нафақат таълим-тарбия тизимини, балки бутун жамиятимиз ҳаётини кескин ўзгартириб юборгани, ижобий маънодаги «портлаш эффекти»ни берганига бугун яққол гувоҳ бўлмоқдамиз, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу борада сизларга бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтишни зарур деб биламан.

Тарихий аҳамиятга эга бўлган бу дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда, уларни янада чуқурлаштиришда, ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган янги таълим стандартлари ва дастурларини, дарслик ва методик қўлланмаларни яратишда, энг муҳими, болаларимизга замонавий таълим ва тарбия бериб, уларнинг қалбига, юрагига етиб боришда сиз, ҳурматли устоз-мураббийларнинг хизматларингиз нақадар беқиёс бўлганини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди. Келажагимизни ҳал қиладиган ана шундай оламшумул ишга қўшган буюк ҳиссангиз учун ўзимнинг энг яқин маслаҳатчиларим ва маслақдошларим бўлган сиз, азизлардан умрбод миннатдорман ва барчангизга чин қалбимдан таъзим қиламан.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги кунда миллионлаб болаларимиз янгитдан барпо этилган ва реконструкция қилинган 10 мингга яқин мактабларда, 1 минг 556 та лицей ва коллежда, 70 дан зиёд олий ўқув юртларида янги таълим тизими асосида билим ва тарбия олиб, замонавий касб-хунарларга эга бўлиб ҳаётда ўз муносиб ўрнини топмоқда, мамлакатимиз таълим моделининг самараси ва рақобатдошлигини халқаро майдонларда яққол намоён этмоқда.

Униб-ўсиб келаётган ўғил-қизларимиз юртимизда яратилган ноёб имкониятлардан баҳраманд бўлиб, илм-фан чўққиларини, хорижий тилларни, замон талаб қиладиган касб-хунарларни пухта эгаллаб, она Ватанимизга садоқатли, муносиб фарзандлар, унинг ишонган посбонлари, ҳимоячилари, биз бошлаган ишларимизнинг давомчиси бўлиб вояга етаётганини кўриш, уларнинг қувончига шерик бўлиш биз, оналар, устозлар учун энг катта бахт эмасми?

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз бошимиздан кечираётган XXI аср, шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув жараён-



лари, интеллектуал салоҳият, интернет ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани, жаҳон бозоридаги рақобат кўлами ва кескинлиги тобора шафқатсиз тус олаётгани ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ олдига ғоят муҳим ва ўткир талабларни қўймоқда. Бугун ҳаммамизга аён, ана шундай талабларни ҳисобга олиб, улар билан ҳамоҳанг бўлиб яшамасак, бутун борлигимизни шу йўлда сафарбар этмасак, ҳеч шубҳасиз, биз умум-башарий тараққиётдан четда қолиб кетишимиз муқаррар.

Ҳозирги кунда замоннинг ўзи биздан эришган ютуқлар билан кифояланмасдан, янада юксак марралар сари қатъият билан боришни, шу йўлда ўз билим ва тажрибамизни, касб малакамиз ва маҳоратимизни муттасил бойитиб, такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу маънода, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мунтазам равишда замон талаблари даражасига кўтариб бориш, педагогика университети ва институтларидаги ўқув жараёнларини танқидий баҳолаб, уларни юксак мезонлар асосида ташкил этиш, соҳага илғор таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш, бир сўз билан айтганда, педагог кадрларнинг янги авлодини шакллантириш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Нега деганда, ўз ишидан қониқмасдан, доимо янгиликка интилиб, билим ва малакасини ошириш устида ишлайдиган, ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшайдиган ўқитувчи ва муаллимларгина ҳар томонлама етуқ инсонларни камол топтиришга қодир бўлади.

Шу билан бирга, биз учун янги тизим бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг фаолиятини ташкилий-амалий, ўқув-методик жиҳатдан такомиллаштириш, шу мақсадда мавжуд ихтисослик йўналишларини қайта кўриб чиқиш, айнан мана шундай коллежларда таълим олаётган болаларимиз юртимизда барпо этилаётган, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида самарали меҳнат қилиб, жамиятимизда ўз ўрнини топиши учун **нафақат таълим соҳаси раҳбарлари, балки барчамиз масъул эканимизни унутмаслигимиз зарур.**

Биз ўз олдимизга ана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўйган эканмиз, ўз-ўзидан равшанки, уларни муваффақиятли амалга ошириш, биринчи навбатда олий ўқув юртлирининг профессор-ўқитувчилар таркибига, уларнинг илмий ва педагогик салоҳиятига боғлиқ.

Бу борада олий ўқув юртлири раҳбар ва педагог кадрларининг касбий даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талаблар асосида қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш мақсадида шу йил қабул қилинган Фармон бу ишларни янги сифат босқичига кўтаришга замин бўлади, деб ишонаман.

Айни вақтда жаҳондаги энг нуфузли олий ўқув юртлири билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, хорижий университетларнинг мутахассислари иштирокида турли анжуман ва конференциялар ўтказиш, ўзаро тажриба алмашиш домларимизнинг билим ва дунёқарашини кенгайтиришга, уларнинг малакасини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қадрли устозлар!

Барчамизга аёнки, мафкура соҳасида ҳеч қачон

бўшлиқ бўлмади. Агар озгина бўшлиққа йўл қўйсақ, уни албатта бизга ёт ва бегона бўлган кучлар эгаллаб олади.

Ҳозирги кунда бутун дунёда ёш авлоднинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётгани, бизнинг ҳаёт тарзимизга, маънавиятимизга, динимизга мутлақо зид бўлган зарарли фикр ва ғояларни тарқатиш орқали ҳали дунёқарашини мустақам шаклланиб улгурмаган фарзандларимизни ўзининг қабих тузоғига илантириш учун турли маркалар томонидан қанча-қанча куч ва маблағлар сарфланаётгани сизларга яхши маълум, албатта.

Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига, болаларимизнинг келажагига қарши қаратилган таҳдидлар — бу халқаро терроризм ва экстремизм бўладими, гиёҳвандлик ёки «оммавий маданият» кўринишлари бўладими — бундай бало-қазоларни остонамизга йўлатмаслик, ўғил-қизларимизни уларнинг ёвуз таъсиридан асраш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифамизга айланмоқда. Бундай ўткир зарурат таълим-тарбия муассасаларининг ота-оналар, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар жамоатчилиги, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтиришни талаб этмоқда ва бу йўлда сизлар бундан буён ҳам ўз куч-ғайратингизни аямайсиз, деб ишонаман.

Бизнинг асосий вазифамиз — ёш авлодга фақат билим беришдан иборат эмас, балки бугун дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқара оладиган, «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» деб, ўз ери, ўз юртига садоқат туйғуси билан яшайдиган, **Ўзбекистон фуқароси деган шарафли номга ҳар томонлама муносиб бўлган инсонларни тарбиялаш — барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.**

Азизларим, қадрдонларим!

Бугун мана шу ҳал қилувчи вазифаларни чуқур англаган, уларни амалга ошириш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган, чинакам фидойи муаллимлар, ўқитувчи ва домлалар сафи тобора кенгайиб бораётгани эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Шулар ҳақида гапирганда, бир фикрнинг мамнуният билан таъкидлашни истардим: мустақиллик йилларида самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган ватандошларимиз орасида ўқитувчи ва мураббийлар сони кўпчиликни ташкил этиши, ҳеч шубҳасиз, эл-юртимизнинг сиз, азизларга бўлган юксак ҳурмат ва эътиборининг амалий ифодасидир.

Сизларнинг масъулиятли хизматингизни муносиб қадрлаш, фаолиятингизни янги босқичларга кўтариш учун зарур шароитларни яратиш масаласи бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътибор марказида бўлади, деб сиз, азизларни ишонтириб айтишга бугун тўлиқ асосларимиз бор.

Барчангизни қутлуғ айём — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, бахту саодат, эзгу ишларингизда янгидан-янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, умрингиздан барака топинг, меҳрибон устозлар!

**Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**



Илм yo'lida ustoz, hayot yo'lida ibrat

Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра, эъзозли олимимиз Суйи́ма Фаниева Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Бу хабарни эшитиб барча илм ва ижод аҳли, адабиёт мухлислари, олимани яхши биладиган узоқ-яқин юртлардаги адабиёт-шунослар беҳад хурсанд бўлишди. Нега ишонч билан шундай деяпман? Чунки Суйи́ма Фаниева мумтоз адабиётимизнинг жаҳонга танилишида, аждодларимиз илмий ва адабий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш, излаб топиш борасида улкан ишлар қилди. Мингга яқин илмий асарлари, мақолалари чоп этилгани, адабиёт-шунос олимларга устозлик қилгани, йирик халқаро илмий анжуманларда Ўзбекистон олимлари номидан иштирок этгани фикримнинг исботидир. Буларнинг ҳар бири чинакам изланишлар, илм, ижод ва сўз санъатида улкан меҳр ва садоқат, фидо-корона меҳнатнинг самарасидир.

Мамлакатимизнинг барча оммавий ахборот воситалари адабий ходимлари Суйи́ма опа истиқомат қиладиган шаҳар марказидаги уйни жуда яхши билади. Чунки опа ҳар бир нашрнинг талабига кўра кўплаб адабий мақолалар ёзиб берган. Мен ҳам таҳририятдан топшириқ олган куним опага сим қоқдим. Бир соатда етиб боришга ваъдалашиб, нимадир бўлди-ю икки соатдан кейин бордим. Тўрт қаватли уйнинг кодланган эшиги олдида бироз ўйланиб турсам, йўловчилардан бири кимниқига келганимни сўради. «Суйи́ма Фаниеваниқига келгандим, кодни унутибман», дедим. Ўша одам кодни айтди-ю, йўлида давом этди. Назаримда, бу атрофда ҳамма опани яхши биладигандек туюлди. Раҳмат айтиб, шоша-пиша эшикни очиб, зиналардан учинчи қаватга кўтарилдим. Ички бир хавотир тинч қўймай чиқиб бордим. Йўлак деворидаги мумтоз ғазаллар туширилган суратларни кўриб, кўнглим ёришиб кетди. Мана, мен ёшлигимдан телевизорда кўрадиган, сўзларини сеҳрланиб, ҳавас билан тинглайдиган олиманинг уйи. Кўнғироқни босгач узоқ кутмадим. Опанинг самимий чехраси эшик билан баравар кўнглимни ҳам очиб юборди.

Қўллари билан «ичкарига киринг» ишорасини шундай назокат билан бажардики, бу ишорани кейинги борганларимда ҳам неча бор кўрган бўлсам, сўз билан тушунтириб беролмайман. Уйдан китоблар, қўлёзмаларнинг ўзига хос ифори келарди. Жавонлар, уларга тартиб билан терилган китоблар... Опа мени ўзи ишлайдиган хонасига бошлаб борди. Ёзув столининг чироғини ёқиб, ваъда қилинган мақолани бергач: «Вақтида келолмаганингиз яхши бўлди. Қўлёзмани яна бир синчиклаб қараб чиқдим», деди. Назокат билан берилган бу танбех кейинги галдаги учрашувларимизга кечикмаслигимни уқтирди. Ниҳоят, енгил тортидим. Журнал чиққанида қўлёзмани қайтаришимни ваъда қилиб, эшикка йўналдим. Опа нариги хонадан қанд-курс кўтариб чиқди.

«Бунақада ўрганиб қоламан-да» деб ҳазиллашдим. Кейин... опанинг меҳрига ўрганиб қолдим ҳам.

Журнал чиққанида Суйима опанинг уйига яна бордим. Ёмғирли кун бўлгани боис кийимларим ҳўл. Киришга қанча тортинсам, опа менга иссиқ чой тутишга, ҳеч бўлмаса қуруқ оёқ кийими беришга ошиқарди. Мен эса шундай улўф олимани куйинчак она қиёфасида кўриб, севи-нардим. Ёмғир ҳам, сочларимдан сирғалиб тушаётган томчилар ҳам бу меҳр олдида унут бўлган эди.

Бир куни ҳамкасбларим мени Суйима Фаниева телефонда сўраётганини айтишди. Гўшакни олсам, опа: «Халқаро Бобур экспедицияси раҳбари Зокиржон Машрабовни биласиз-а, бирорта шогирдингиз билан Андижонга келинг, деяпти. Мен билан бирга бориб келмайсизми?» деди. Мени шогирд ўрнида кўриб, яна сафарга бирга боришга таклиф қилгани хурсанд қилиб юборди. «Роса боргим келяпти. Бироқ ёш болам бор, бунинг устига уйга меҳмонлар келганди», дедим. «Болангизни тиззамда олиб кетаман!» Бу жавоб опани менга янаям қадрдон қилди. Мен халқимизнинг ардоқли олимаси Суйима Фаниевани шундай кашф этганман.

Яқинда у киши ҳақида ёзилган эътирофлар билан таниша туриб, таниқли адабиётшунос олим, профессор Наим Каримовнинг: «Суйимахон Навоийнинг «Мажолис-ун нафоис» асари устида жиддий ишлар олиб борди. Шу асарда тилга олинган, аммо фанга номаълум бўлган қатор шоирлар ҳақида янги-янги маълумотларни топиб, ярим асрдан бери институтимизда ўтказиб келинаётган Навоий анжуманларида қизиқарли маърузалар қилди. Навоий даврида яшаб ижод этган бир неча шоирларни биринчи бўлиб илм-фан оламига олиб кирди... Севимли дўстим, маслакдошимга хурматим ва меҳрим бекиёс», деб ёзган сўзларини ўқиб қолдим. Профессор Дилором Салоҳий ёзади: «Олима ўзига хос илмий услубга эга. Матнлар қатидаги кўпчилик эътиборини тортмаган, аммо ўқувчи учун гоят қизиқарли бирор ҳодисага диққатини қаратади. Хусусан, Навоийнинг Унсиядаги кутубхонаси таркиби мазмун-мундарижаси ҳақидаги қизиқишлар навоийшуносларни кўпдан буён ўйлантириб келарди. Опа бу соҳада катта бир ишни амалга оширди. «Навоий ёдга олган асарлар» номли китобларида шоирнинг адабий, илмий меросида у ўрганган ва истифода қилган асарлари кенг тўлиқ рўйхатини ва бу асарлар ҳақида маълумотларни келтириб, бу билан шоир ижодига қизиққан ва тасаввуф илмини ўрганмоқчи бўлганлар учун катта қулайлик яратди. Рисолада Навоий ёдга олган асарлар рўйхатини алифбо тартибида келтириб, уларнинг мазмуни ҳақида ҳам изоҳ ва қайдлар берилди».

Бу сингари юракдан битилган дил номлари кўп. Қай бирини ўқимай Суйима Фаниеванинг нур балқиб турган чехраси кўз олдимда намоён бўлаверади. Олима ҳақида қанча гапирсак оз. Чунки ёзувчи Асрор Самад «Ўзбекнинг ардоқли Суйимбекаси» номли китобида опанинг илмий асарларидан 788 тасини номма-ном санаган. Шунингдек, турли нашрларда чоп этилган Суйима Фаниева билан суҳбатлар, опа ҳақидаги очерклар, олимлик фаолиятига доир мақолалардан ўттиз олтитасини келтириб ўтади. Бундай ўйлаб қарасам, бу бир одам қиладиган ишлардан кўпроқдай туюлди. Шунда ўзимни турли баҳоналар билан овутиб, дангасалик билан ўтган дамларимдан уялиб кетдим. Энди бирор нимага эринсам ёки эртага қиларман, деб ўйласам, Суйима опанинг иш столида нимадир ўқиб ёки ёзиб ўтиргани кўз олдимга келаверади.

Суйима Фаниева ҳақида ўйлар эканман, яқинда намоёиши бўлиб ўтган «Йўл» ҳужжатли фильми ёдимга тушди. Аслида ушбу фильм опа тўғрисида батафсил хикоя қилгандек, унинг олдида менинг изҳорларим ҳечдек туюлди. Бироқ яхши кўрган одамнинг бу ҳақда билдириб қўй, деган гап ҳам бор-ку.

Олимлик катта мақом. Бу даражага йиллар давомидаги изланишлар, анчайин ҳаловатлардан кечиш эвазига эришилади. Суйима Фаниеванинг зиёли бўлиб яралганлик белгиси бор. Бундай ички маданият, ўктам фикрлаш сингари хислатларга ўқиб, ўрганиб эришиш қийин. Балки бу ўз ишига, адабиётга, сўзга муҳаббатнинг мевасидир. Бу фикрларимни узоқ давом эттиришим мумкин. Халқимиз биладиган, ардоқлайдиган олима Суйима Фаниева ўзи ҳақида ҳеч қачон гапирмаган, доимо у ҳақда унинг асарлари, изланишлари, тадқиқотлари сўзлаб туради. Бу биз учун ниҳоятда катта мактаб ва ибратдир.

Манзура ШАМС

BETAKRORIMSAN, YAGONASAN,

24

ONA VATANIM – O‘ZBEKISTONIM!

Nima qildik

Vatan uchun?

Ватанга хизмат қилиш, унинг корига яраш ҳар бир инсоннинг муроди, орзуси десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз. Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларимиз, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш бизнинг олдимизда турган муқаддас вазифадир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан ўсиб келаётган ёш авлод онги ва қалбида ватанпарварлик ҳиссини янада мустаҳкамлаш, уларни мустақиллик гоёларига садоқат ва фидоийлик руҳида тарбиялаш, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва терроризм каби салбий иллатларга қарши курашиш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ёшлар маданият ва санъат маркази ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси,



вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «**Нима қилдик Ватан учун?**» ёхуд «**Биз ёшлар гиёҳвандлик ва терроризмга қаршимиз!**» шиори остида ёшлар фестиваллари ташкил этилди.

Фестивалнинг республика якуний гала концерти Термиз шаҳридаги амфитеатрда бўлиб ўтди. Унда муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари ифода этилган «**Ким эдигу ким бўлдиқ?**» номли ижтимоий видеоролик намойиш этилди.

Фестивалда болалар гуруҳлари, халқаро мусобақаларда совриндор бўлган таниқли спортчиларнинг чиқишлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ва таниқли эстрада хонандалари томонидан мустақилликни, гўзал юртимизни, ёшликнинг фараҳбахш онларини мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар ижро этилди.




USTOZLIK KASBINI ULUG'LAB KELAYOTGANLAR



Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан, Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори Муҳаммадёр Тошмуродов Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти Машраб Эрматов Ўзбекистон халқ ҳофизи, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти Насрулла Қобилов «Меҳнат шухрати» ордени, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти вокал кафедраси ўқитувчиси Саодат Музаффарова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонларига сазовор бўлишди. Мухбиримиз улар билан суҳбатлашиб, дил сўзларини қогозга туширди.



**Муҳаммадёр
ТОШМУРОДОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
санъат арбоби:**

— Бунақа юрт, бундай одамлар яна қаерда бор? Байрамларимиз қандай чиройли ўтяпти. Қаердадир иқтисодий танглик, қаердадир ички ва ташқи низолар авж олган бир пайтда тинч-хотиржам яшашга, иш-лашга нима етсин. Қилаётган ишингизнинг самарасини кўрсангиз, халққа манфаатингиз етишини ҳис қилиб, шогирдлар етиштирсангиз, уларнинг камолидан қувонсангиз, юрт равнақи-га ҳисса қўшсангиз, шунинг ўзи бахт эмасми?!

Мен рассом сифатида юртимизнинг турли гўшаларида бўлганман. Мустақиллик берган имкониятларни кўриб кўзингиз қувнайди. Тоғлар бағрини ёриб ўтган темирйўллар, автомагистраллар, улкан заводлар... Буларнинг ҳаммаси инсон манфаати учун. Одамлар «Ким эдигу ким

бўлдик?» деган саволнинг жавобини ўз турмуш тарзларида кўриб шуқр қилишмоқда. Қашқадарёдаги Филон, Сарчашма қишлоқлари рассомларимиз учун ижодий дарсхона ҳисобланади. Ўша тоғлар орасидаги оқсоқоллар билан суҳбатлашиб, кайфиятини ўргандим. Улар шундай юртда яшашаётганидан, фарзандлари, набиралари шу халқ истиқболи учун хизмат қилишларидан мамнун. Бу қишлоқда яратилган асарлар дунё кўرғазмаларида турибди.

Ёшларни қаранг, ўз кўрғазмаларини ташкил қилишади. Дарсдан чиқиб турли курсларга қатнашади. Бир нечта тилларни билишади. Ҳаракатлари дадил, фикрлари ўктам. Ҳаммаси улар учун яратилган имкониятлар боис. Улардаги руҳият асарларида ҳам кўришиб туради. Мен шогирдларим билан алоҳида-алоҳида ишлайман. Улар билан диллашаман. Ҳар бири олам-олам орзу эгаси.

Устозим Раҳим Аҳмедовнинг этагидан тутиб, рассомликнинг минг бир сирини ўргандим. Шунингдек, Ниғмат Қўзибоев, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов сингари устозларимга эргашиб, устоз-шогирд аънаналарига содиқ қолиб, муваффақиятларга эришдим.



**Машраб ЭРМАТОВ,
Ўзбекистон халқ
хофизи:**

— Ўзбекистон давлат консерваториясида дарс бераётганимга 26 йил бўлган бўлса, менинг дастлабки шогирдларим ҳозир юқори малакали устозлар бўлиб етишди. Устозларим Ориф Алимахсумов, Фаттоҳон Мамадалиевлардан олган ўғитларимни, санъат

йўлида фидойи бўлишни шогирдларимга ҳам ўргатиб боряпман. Илк устозим — отам Эргаш Эрматов менга соз билан сирлашишни, уни тушунишни ва қалб кўрини бағишлашни ўргатган.

Президентимиз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан санъатга, маънавиятга катта эътибор қаратди. Консерваториямизнинг

янги биноси республикаимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлганди. Бундай йирик ўзгаришларга бугун кўзимиз кўникди. Бу кунларнинг қадрига етишимиз, Ватанимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Ўзбек санъати анъаналарининг боқийлигига эришиш учун ёшларимизга мумтоз санъат сирларини кунт билан ўргатиб, улар қалбида муҳаббат уйғотиш бизнинг энг асосий бурчимиз. Камтарона меҳнатларимизни юксак баҳолаб, Ўзбекистон халқ хофизи унвонига муносиб кўргани учун Президентимизга ўз миннатдорлигимни билдираман. Бу хушxabар нафақат мени, устозларим, ҳамкасбларим, шогирдларим, фарзандларимни хурсанд қилди. Бу бизга билдирилган юксак ишонч. Энди масъулиятимиз ҳам янада ортади.

Энг гўзал кўшиқ — Ватан! Ватанни мадҳ этиш учун уни севиш, улуғлаш ва қадрига етиш керак. Ватан ҳақида шунчаки куйлаб бўлмайди. Сўзнинг залворини, Ватаннинг муқаддаслигини юракдан ўтказиб, кейин қалб кўрини бериб куйлаш керак.



**Насрулла
КОБИЛОВ,
«Меҳнат шухрати»
ордени соҳиби:**

— Мен устозман. Бу улуғ мартаба мени шундай эътирофга сазовор бўлишимга сабаб бўлди. Ўз касбимизга муҳаббат, қилаётган ишимиздан қониқиш бўлса, натижа самарали бўлади. Мен шогирдлар етиштириб, ўз ижодим билан камтарона меҳнат қилиб юрган ўқитувчиман. 1977 йилда институтни тугатишим билан кафедрада ишга олиб қолишган. Шундан бери талабала-

римда «йилт» этган истеъдод бўлса, шуни ривожлантиришга, рўёбга чиқаришга ҳаракат қиламан. Тошкент давлат санъат ва маданият институтининг ҳозирги кўринишини қаранг, талабалар тайёр саҳнада дарс тинглашади. Бу шароитлар уларни саҳна ҳаётига мослаб боради. Санъатнинг ўз кишиси бўлишга ундайди. Институтнинг ўз ўқув театри бор. Дарсхоналардаги шароитларни кўриб, ғайратингга ғайрат қўшилади. Талабалар ҳам дарс тугагини кутиб бетоқат ўтирадиган ёшлар эмас, дарсдан кейин ҳам соатлаб бирга ишлашади, сўрашади, ўрганишади.

Камтарона меҳнатларимиз юқори баҳолашиб, «Меҳнат шухрати» орденига сазовор бўлганим, масъулиятимни янада оширади. Шогирдларим, талабаларим, фарзандларимга ибрат бўлиш учун хато қилишга ҳаққим йўқ.

талабаларнинг муваффақиятларидан сўнг, миннатдорчилигини эшитиш чин маънода саодатли экан. Давлатимиз юксак маънавиятли ёшларни тарбиялаш масаласига жуда катта эътибор қаратмоқда. Биз бу масалани кун тартибига қўйиб, ёшлар онгига шу томондан кириб бориб, дарс берамиз.

Мана, яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига муносиб кўришди. Президентимизга бу юксак ишонч учун чин юракдан ташаккур айтаман. Келажакда қиладиган ишларимиз кўп. Бу ишонч менга янада ғайрат бағишлади.

Сўзимни бахт тушунчаси билан бошлагандим. Ҳар бир отаётган тонгимиз, тинч-хотиржам кунларимиз, кундан-кун чирой очаётган шаҳар-қишлоқларимизни кўриб, шу бахтни ўз ҳаётим миқсолида ҳис қиламан.

Рўзимурод ЭСОНОВ тайёрлади



**Саодат
МУЗАФФАРОВА,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
маданият ходими:**

— Инсон чин маънода бахтли бўлиш учун интилса, ҳаракат қилса, орзулари амалга ошади. Мана шу мусаффо осмон остида, шундай олижаноб халқ ичида яшаш бир бахт. Шунингдек, менинг бахтим — ўқитувчи номли улуғ ва шарафли касб эгасиман.

«Томоша» болалар театр студиясида, «Севинч» вокал ансамблида болалар билан ишлаб, болалик оламига қайтганман. Дастлабки шогирдларимиз ҳозир ўз ижод йўлига эга хонандалар бўлиб етишган. Уларнинг камолини кўриш,

Рўзимурод ЭСОНОВ тайёрлади



Ma'naviy komillik belgisi

Равон ва жозибали нутқ инсоннинг бебаҳо маънавий бойлиги ҳисобланади. Тил шундай қудратга эгаки, унинг воситасида деярли барча муаммоларни ҳал қилса бўлади. Ўз она тилида, шу билан бирга, бошқа тилларда мукамал сўзлай оладиган, фикрини тиниқ ифода этишга қодир, талаффузи ёқимли, сўз ва амаллари уйғун кишилар фазилат бобида комилликка яқин турадилар. Улуғ аждодларимиз бир эмас, бир неча тилларни мукамал эгаллаб, бошқа тилларда ҳам ижод қилишгани, келажак насллар учун ноёб илмий-маънавий мерос қолдиришгани, бу хазинадан ҳамон бахраманд бўлаётганимиз фикримизнинг далилидир.

Тил одобига риоя қилиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам ақл-заковат билан мушоҳада юритиш, суҳбатдошларни эътибор билан тинглаш, фикрини бўлмаслик, ўринсиз луқма ташламаслик комил инсонларга хос фазилатлардир. Инсон ҳаёти давомида нохуш ҳолатларга дуч келиши, муаммолар гирдобига тушиб қолиши ҳам мумкин. Бундай пайтда тил, сўзлаш одоби, ифода маҳорати катта кучга айланади, ҳиссиётга берилиб, ғазаб отига минган киши бир оғиз ноўрин сўзи билан аҳволни баттар мураккаблаштиради, тили ширин киши нажот кўчасини тез топиб олади.

Ҳаётдан маълумки, ўйламай-нетмай айтилган биргина сўз, беҳаё бир ибора оилани барбод қилиши, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғни бир-бирига тескари қилиб қўйиши мумкин. Бунга мисоллар кўп. Миллат шаънига ботадиган, ғурурига тегадиган асоссиз айблов ёки таҳқир халқлар, мамлакатлар ўртасига раҳна солгани, жангу жадалларга сабаб бўлгани ҳам сир эмас. Аксинча, бир-бирини мутлақо

танимаган, ўзаро мулоқотда бўлмаган икки киши гўзал бир лутф, самимий табассум, ширин муомала боис қадрдон бўлиб кетгани ҳам бор гап. Мисол учун, бирор асарни мутолаа қилаётган ўқувчи асар қахрамонларининг ибратли ўй-фикрлари, инсоний фазилатлари, эзгу амаллари билан танишар экан, уларга ғойибона меҳр қўяди, китоб муаллифига нисбатан кўнглида илиқ туйғу пайдо бўлади. Сўзнинг қудрати, тилнинг жозибаси боис шундай бўлади. Халқ эртақларида тасвирланган очкўз девларнинг «Ассалому алайкум», деган ёқимли лутф, яхши муомала боис ёмон ниятидан қайтиши («Саломинг бўлмаганида икки ямлаб бир ютардим» дейиши) ҳам сўзнинг қудратини кўрсатади.

Сўзлаш одоби оиладан, мактабдан, маҳалладан бошланади. Ёшлиқ чоғидан тўғри талаффузга, сўз ва ибораларни, исмлар, жойлар, турфа хил номларни тўғри ифода қилишга ўргатилган, китоб билан дўст тутинган, халқ эртақларини кўп ва ҳўб ўқиган, саргузашт дostonларни мириқиб тинглаган болаларнинг нутқи бошқа тенгдошларига нисбатан мукамал, айна чоғда ширали бўлади. Бу фарқни наинки нутқда, боланинг шаклланаётган характерида, тенгдошлари билан муомаласида, атрофида кечаётган воқеа-ходисаларга муносабатида ва ҳатто, орзу-хаёлларида ҳам кўриш мумкин. Ишончим комилки, ёшлигида кўп эртақ тинглаган, катталар овоз чиқариб китоб ўқиганида, диққат билан эшитган болалар вояга етгач, фақат ўзларининг эмас, бошқаларнинг ҳам фикрини эътиборга оладиган бўлади.

Болалар тарбияси билан шуғулланувчи мураббийларнинг кузатишича, бола нутқининг қандай бўлиши кўп жиҳатдан оила аъзоларига, хусусан, ота-онага, боғча ва мактаб муаллимларига ҳамда яқин дўстларига боғлиқ бўларкан. Болаларни эркалаб,

исмларини қисқартириб айтиш, сўзларни бузиб талаффуз қилиш бола вояга етганида ҳам хотирасидан кўтарилмайдиган қусурга айланади. Баъзи отоналар фарзандлари анча улғайиб, яхши-ёмон, рост-ёлгоннинг фарқига бориб қолганини сезмай ёки сезсалар ҳам, буни инобатга олмай, уларга катталарнинг олдида жим туришни, нима дейишса, ҳўп дейишни, қайсарлик қилмасликни ўқтиришдан чарчамайдилар. Улуғ аждодларимиз «Ақлли, фаҳм-фаросатли кишилар, айниқса, ёшлар билимдонликларини худа-бехудага пеш қилмайдилар, бошқаларни кўпроқ эшитадилар, биров бир нимани сўрамагунча одоб билан сукут сақлайдилар», деб таълим беришган. «Сукут гоҳо каломдан улуғ» деган хикмат ҳам бор. Бир қарашда, ота-оналарнинг ҳам, аллома-ларнинг ҳам бу насиҳатлари шарқона одобга мос бўлиб, эътироз билдириш қийиндай туюлади. Аммо ҳамма нарсада бўлганидек, сукутда ҳам меъёр бўлиши зарур. Чунончи, болага ҳам ёшлигидан гапириш, сўхбатга қўшилиш, бирор ҳолатга, воқеага нисбатан муносабат билдириш имконини бериш керак. Бундай қилинмаса, бола фақат бошқаларнинг фикрига қўшиладиган, яхшини ҳам, ёмонни ҳам бир хилда маъқуллайверадиган бўлиб улғаяди. Ота-онасининг талабига риоя қилиб, катталар олдида оғзини очмай улғайгач, ҳаётда ўзини шахс сифатида намоён қилишга қийналади, фикрини аниқ ифодалаб беролмайди, бефарқ ва лоқайд бўлиб қолади.

Болани фикрлашга, мулоҳаза юритишга ўргатиш уни эътибор билан тинглашдан, гап-сўзларига, хатти-ҳаракатларига эътибор беришдан, енгил мунозараларга қўшишдан бошланади. Шундай қилинса, бола бундай муносабатни мукофотдай қабул қилади, катталар таъбири билан айтганда — кўнглида ўзига нисбатан дастлабки ишонч куртаклари пайдо бўлади. Ҳар бир рағбат, ҳар бир эътибор бу ишончни мустаҳкамлайди. Аксинча, болани бўлар-бўлмасга жеркийвериш, «гапга аралашма», «оғзингни юм», «нари тур», «қачон одам бўласан ўзи», «хе фалончи», дея тенгдошлари олдида изза қилиш мурғак қалбни жароҳатлайди, гапирмаслигим керак, нари туришим керак, бундай қилмасам яхши одам бўла олмайман деган тушунчалар хотирасига ўрнашиб қолади.

Олимлардан бирининг болалар боғчаларида ўтказган бир тадқиқоти тўғрисида аввал ҳам ёзганман. У уч юздан ортиқ тарбиячиларга: «Ота-оналар кечкурун болаларини уйга олиб кетаётганларида нимага қизиқишади?», деган савол беради. Тарбиячиларнинг жавобларидан маълум бўладики, деярли барча ота-она асосан фарзанди кун давомида нима овқат еганига қизиқар экан. Кўп йиллик иш тажрибасига эга тарбиячиларнинг бирортаси ҳам ота-оналарнинг: «Болам ўртоқлари билан дўстлашадими, ўздан кичикларни ранжитмайдими, қизганчик эмасми, фикрини тўғри ифодалай оладими, нутқи равонми?» деган саволини эслай олмайди...

Нутқ ўз-ўзидан равон, оҳангдор бўлиб қолмайди. Чолғучи бирор куйни ўрганмоқчи бўлса, уни юз бор,

минг бор ижро қилибгина муддаосига эришади. Мусаввир бир асар яратгунча қанча заҳмат чекади. Нутқ маҳоратини эгаллаш учун йиллар давомида тинимсиз машқ қилиш керак. Ҳар бир киши касб-коридан қатъи назар, ёзувини ҳуснихат дарсида маромига етказётган ўқувчидай нутқини ёшлиқдан безаб, бойитиб бориши лозим. Бунда унга устоз-мураббийларнинг маслаҳатлари, китоблар, айниқса, халқ дostonлари ёрдамга келади. Бадиий асарни овоз чиқариб ўқиш нутққа жон киритади.

Азалдан одатда нутқи расо кишиларга ўқитувчилик қилишга рухсат берилган. Чунки ўқитувчи нутқидаги камчилик у тарбиялаётган болаларга ҳам ўтади. Демак, нутқимиздаги норасоликлар эртага фарзандларимизга кўчишини билиб туриб, бу муаммога бефарқ бўлсак, ўнглаб бўлмас хатога йўл қўйган бўламиз.

Нима қилиш керак? Бу саволни дастлаб ўзимга бераман. Ўқувчилик йиллари деярли ҳар ҳафта иншо ёки баён ёзардик, янги китобларни қироатини жойига қўйиб, навбат билан ўқирдик. Урғуни тўғри қўя олмайдиган, тортинчоқ, тили чучук болаларга анча қийин бўларди. Таътил ойлари ўқиган китобларимизни бир-биримизга ошириб-тошириб, ҳис-ҳаяжон билан ҳикоя қилиб бериш яхши одат бўлган. Бугун олий ўқув юртларининг бакалавр ва магистратура йўналишларида таълим олаётган талабалар жорий, оралик ва якуний назорат ишларини ёзма равишда топширади. Бу — айна муддао деб ўйлайман. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шафелигида коллеж ва лицей ўқувчилари орасида ўтказилаётган турли танловларда қатнашиб, иштирокчиларнинг ёзма ишларини ўқир эканман, бунга яна бир бор амин бўламан. Уларда талабаларнинг фанни нечоғли ўзлаштиргани, дунёқараши, характери, давлатимиз раҳбари талаб этаётганидек, мустақил фикрлаш даражаси аниқ-тиниқ кўриниб туради. Чунки ёзув фикрнинг қоғозга кўчган ифодасидир.

Нутқ маҳорати тўғрисида бундай мулоҳаза юртаётганимизнинг боиси бор, албатта. Бугун кундалик ҳаётимизни телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар, турли йиғинлар, машваратлар, баҳс-мунозараларсиз тасаввур қилиш қийин. Таассуфки, уларнинг ҳаммасида ҳам нутқ маҳорати, талаффуз қоидаларига тўла риоя қилинмайди. Она тилимизга хос бўлган нозик, бетакрор ибораларни, халқ донишмандлиги ифодаси бўлмиш мақол ва маталларни, таъсирчан ташбеҳларни ўринсиз ишлатиш, маъносини бузиб талқин қилиш асабингизга тегади.

Муҳтасар қилиб айтганда, нотиклик санъати зиёлилик, билимдонлик, мустақил фикрлаш ва тафаккур даражасини ифодаловчи фазилат бўлибгина қолмай, айна чоғда, маънавий комиллик белгиси ҳамдир.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети
доценти



Ҳар бир халқнинг ўзига хос номоддий маданий мероси мавжуд. Асрлар бўйи яратилиб, зукко халқнинг теран ижодий иқтидори туфайли авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ана шундай анъаналар, маросимлар, урф-одатлар, байрамлар, хунармандчилик, табиат ва коинот билан боғлиқ билим ҳамда кўникмалар миллатнинг ўзлигини, қиёфасини белгилайди.

TABIAT VA KOINOT BILAN BOG'LIQ MAROSIM HAMDA URF-ODATLAR

Номоддий маданий мерос тушунчаси урф-одатларни, ўзига хосликни ифодалаш шакллари, билимлар ва кўникмаларни, шунингдек, улар билан боғлиқ жиҳозлар, предметлар, артефактлар ва маданий маконларни акс эттиради, улар эса ўз навбатида ҳамжамиятлар, гуруҳлар, алоҳида ҳолатларда эса муайян шахс маданий меросининг бир қисми сифатида тан олинганлигини англатади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бундай номоддий маданий мерос доимо ҳамжамиятлар ва гуруҳлар томонидан уларнинг атроф-муҳитга, табиатга ва ўз тарихига боғлиқ ҳолда яратилади ҳамда бу уларда ўзига хосликни, ворислик туйғусини шакллантиради, шу билан инсоният ижоди, маданий турли-туманликнинг хурмат қилинишига кўмаклашади.

Номоддий маданий мерос:

- ўзликни намоён этишнинг оғзаки анъаналари ва шаклларида;
- ижро санъатида;
- жамиятнинг урф-одатлари, маросимлари, байрамларида;
- табиат ва коинотга оид билим ҳамда урф-одатларда;
- анъанавий хунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмаларда намоён бўлади.

Табиат ва коинотга оид билим ҳамда кўникмалар халқимиз орасида жуда кўп учрайди, уларга амал қилинади. Бу соҳага боғдорчилик, деҳқончилик, чорвачилик, анъанавий табобат, пазандалик, шунинг-

дек, ой чиқиши, кун ботиши, ой ва қуёш тугилиши, қудуқ қазиш учун жой аниқлаш, юлдузларга қараб экин экиш, дарахтларни пайванд қилиш ва ҳоказолар киради.

Деҳқончилик билан боғлиқ кўплаб урф-одат, маросимлар, сайл ва байрамлар мавжуд. Жумладан, «Шох мойлар» ёки «Биринчи қўш» каби қўш ҳайдаш маросимлари, Чоймомо маросими, «Шамолингни қўй, Ҳайдар» каби шамол чақириш маросимлари, «Туз хотин», «Чала хотин», «Суст хотин» каби ёмғир ёғдириш маросимлари, «Лола сайли», «Қизил гул» сайли, «Қовун сайли», «Ҳосил байрами» ва ҳоказолар.

Ўзбек деҳқонларининг баҳорги юмушлари ичида, айниқса, далага биринчи қўш чиқариш маросими муҳим амалий аҳамиятга эга. Чунки далалардан олинган ҳосил унинг ўз вақтида сифатли экилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам халқимиз орасида ерга илк бор қўш солиш ва уруғ қадаш билан боғлиқ маросимлар юзага келган. Шулардан бири «Шох мойлар» маросимидир.

Илгари қўш чиқариш вақти табиатдаги уйғониш, юлдузларнинг ҳолати ва қушларнинг ўлкамизга қайтиб келишига қараб аниқланган. Тажрибали деҳқонлар хут ойининг бошида томдаги қорлар эриб, бўғотлардан сув оқа бошлашини эътибор билан кузатишган. Ҳатто бу давр ҳақида халқ орасида «Тушгача мугуз, тушдан кейин кигиз» деган нақл ҳам бор. Чунки томдан оқаётган қор суви кечга томон музлаб, сумалакка айланади. Шунинг учун «тушгача мугуз», яъни

«шоҳдай қаттиқ» дейишган. Тушдан кейин ҳаво бир оз илиши билан сумалаклар эриб, кигиздай юмшаб қолади. Илгари уйларнинг томлари лойсувоқ қилингани учун қор суви лой билан аралашиб сумалаклар сарғиш тус олган. Шу боис ҳисобдонлар хут ҳақида сўз кетганда «сариксумалак кирди» ёки «сариксумалак чикди» каби ибораларни ишлатишган.

Кексаларнинг айтишича, далага кўш чиқариладиган кунни қишлоқ оқсоқоллари белгилаб беришган. Доно халқимиз ўзлари яшаб турган жойнинг иқлимини яхши билганликлари учун ҳам турли-туман аъналарни кашф этган. Ота-боболаримиз Йилбоши байрамидан кейинги илк чоршанба куни далага биринчи марта кўш солиш хайрли бўлади, деб ҳисоблашган. Чунки чоршанба чош, яъни мўл-кўл дон уюми тимсоли сифатида тасаввур қилинган.

Кўш ҳайдаладиган куни деҳқонлар ўзаро маслаҳатлашиб, энг яхши хўкизлардан бир жуфтани далага чиқаришга тайёрлашган. Ўша куни эрталаб хўкизларга ивигилган сомон устига озгина ун сепиб едиришган. Момолар бугдой ёрмасидан «Кўш оши» пиширишган. Одатда, уни пиширишдан аввал уйма-уй юриб, масаллиқ учун ун, дон-дун йиғишган. Ҳар бир оила йил серҳосил, рўзғор бут, бола-чақаси соғ-омон бўлишини ният қилиб, «Кўш оши»га имкон қадар ҳиссасини кўшишга ҳаракат қилган. Момолар яхши ниятлар билан хўкизлар шохи орасига бир чимдимдан ун сепишган. Айрим жойларда эса яхши ниятлар билан хўкизларнинг оёқлари орасига ун сепишар экан.

Биринчи кўш чиққан куни ҳамма хонадонларда бўғирсоқ пиширилиб «ис» чиқарилган. Пиширилган бўғирсоқни қанча кўп киши еса, йил шунчалик баракали келади, деб ният қилишган. Бўғирсоқ пиширилган мой билан хўкизнинг шохи, бўйни ва омонинг тиғи мойланади. Шундан сўнггина оқсоқоллардан бири дуо қилади.

Қадимда ерга илк бор уруғ қадаганда кекса зироаткорлардан бири бободехқон қиёфасида уруғ экишни бошлаб берган. Халқимиз деҳқонлари олина-жак ҳосил мўл бўлиши ва йил баракали келиши экиш мавсумини ўз вақтида сифатли қилиб ўтказишга боғлиқ, деб билишган. Шунинг учун ҳам бу масалага жиддий қараб, турли ма-

росим ва аъналарни жорий этишган. Халқимиз орасида «Шоҳ мойлар», «Биринчи кўш» каби маросимлар бугунги кунда ҳам ўтказилади. Урф-одат ва маросимларнинг ўз вақтида тўғри ўтказилиши деҳқонларнинг мўл ҳосил олишига қаратилиб, улар бунга қаттиқ ихлос қилишган. Халқимизда бежизга «Яхши ният — ярим мол» деб айтилмаган. Урф-одат, маросим ва байрамлар яхлитлигида нафақат аъналарнинг сақланишини кўрамиз, балки аجدодларимизнинг дунёқарашини, табиатга бўлган муносабатини, табиат ва коинот ҳақидаги билим ва урф-одатларни билиш имконини беради.

Миллий-маънавий қадриятларни тиклаш бош масала бўлиб турган бугунги кунда ёш авлодни маънавияти юксак, ҳар томонлама мукамал инсон сифатида тарбиялашда маросим ва урф-одатлардан кенг кўламда фойдаланиш яхши самара беради.

Табиат ва коинот ҳақидаги билим ҳамда урф-одатларни билишимиз, уларни кейинги авлодга етказишимиз орқали номоддий маданий мерос муҳофазасини таъминлаймиз.

Гулуро АБДУЛЛАЕВА



Ўзликни англаш, илмий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир.

Ислом КАРИМОВ

Халқимиз ма'навиятининг yorqin ko'zusi

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, она тили — бу миллатнинг руҳидир. Мустабид тузум миллатга руҳ, оби-ҳаёт бериб турувчи маҳаллий халқлар тилининг уйғонишига асло йўл бермади. Негаки, тил улардаги миллий-руҳий қувватни, миллий ғурур ва ифтихорни ҳам уйғотиши мумкин эди. Миллий ғурури уйғоқ халқ эса ўз она заминида, аждодларидан қолган олтин бешикда руҳий эзилишлар, камситишлар, «мафкуравий гипнозлар»га тоқат қила олмас эди. Мустабид тузум даврида фақат битта тилни улуглаш мумкин эди, у ҳам бўлса ҳукмрон империя тили!

Ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш ҳақида гарчи ўша пайтлар журъатли даъватлар янграган, қизгин баҳс-мунозаралар авж олган бўлса-да, тилимизнинг бундай мақомга эришиши мумкинлигига кўпчилик унчалик ишонқирамай қарар эди. Шу боис иккита тилга давлат тили мақоми берилишини ёқловчилар ҳам ёки, аксинча, Ўзбекистон шароитига мутлақо тўғри келмайдиган ўта бир ёқлама, эҳтиросли фикрларни илгари сурувчилар ҳам оз эмас эди. 1989 йили, ҳали мустабид тузум қулай баҳона кутиб

турган қалтис ва мураккаб бир вазиятда Ўзбекистонга етакчилик қила бошлаган Ислом Каримов Олий Кенгаш сессиясида «Давлат тили ҳақида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинаётганда депутатларга мазкур ҳужжатни қабул қилишда оғир-вазминлик билан иш тутиш, ҳар томонлама ўйлаб мулоҳаза қилиш, энг муҳими, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни топишга барчани қатъий даъват этди. Бундай адолатли, демократик ёндашув кўп миллатли халқимиз томонидан ижобий кутиб олинди.

Назаримизда, мазкур Қонун мустабид тузумнинг зимистон кўчалари ичра истиқлолнинг ёруғ йўлини излаётган халқимизга ана шу йўлни кўрсатибгина қолмади, балки уни навбатдаги катта жасоратга бошлади, илҳомлантирди. Бу Қонун миллионлаб қалблардаги Мустақиллик орзусини қатъий мақсадга айлантирди. Халқимизни Истиқлолга эришиш мумкинлигига ишонтирди. Ўзбек тили эришган қадр ўзбек халқининг қаддини, қадрини тиклади.

Ўша пайтда тил борасидаги ҳаракатлар билан бирга илк бор юртимизда Алишер Навоий-



нинг 20 жилдли асарлар тўпламини нашр этиш ҳаракати бошланди. 1991 йили тилимизнинг тикланаётган қаддини янада мустаҳкамлаш, миллионлаб юракларда миллий ғурур уйғотиш мақсадида ниҳоятда муҳим қадам қўйилди. Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов шу йилни Ўзбекистонда «Алишер Навоий йили» деб эълон қилди.

Тошкентда илк бор «миллий» сўзига урғу берилиб, илгариги «Комсомол кўли» ўрнида, унга ёндош ҳудудларни ҳам қамраб олган ҳолда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ташкил этишга киришилди. Шоирнинг ҳайкалини яратиш ишлари бошланди. Бу бежиз эмас эди, бу ҳаракатларнинг асл сабаби ҳамда улардан кўзланган эзгу ниятлар кўламини яна Юртбошимизнинг сўзларидан англаймиз:

«Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримизга, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалар кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз».

Истиқлол арафаси, мустақиллик йилларида тилимиз ривожини, миллатнинг тарихий руҳини кўтариш, давлатчиликни мустаҳкамлаш борасида қанчалар улғувор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши унинг қўлланилиш соҳасини сезиларли кенгайтди. Тилшуносларимиз, атамашуносларимиз учун янги имкониятлар эшигини очди. Бевосита Юртбошимиз саъй-ҳаракати билан ўзбек тили халқаро муносабатларда ишлатилганидан тиллар даражасига кўтарилди, фаол мулоқот воситасига айланди.

Илк бор Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ҳарбий Низомга асосан, Қуролли Кучлар тизимида ўзбекча қоидалар жорий этилди. Давлатни бошқариш, божхона, солиқ, ташқи ишлар, банк-молия тизими, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, тиббиёт каби муҳим соҳаларда ўзбек тилининг қўлланиш уфқлари кенгайди. Зарур атама ва иборалар, махсус терминлар, уларнинг изоҳига бағишланган луғатлар ишлаб чиқилди.

Мустақилликкача тилшуносликка оид китобларда «вазир», «ҳоким», «девон», «божхона», «туман», «бекат», «сарой» каби қатор сўзлар эскирган, муомаладан чиқиб кетган, фақат тарихий асарлардагина қўллаш мумкин бўлган сўзлар, дея талқин қилинарди. Аслида эса бу сўзлар мутлақо

эскирмаган, бизни ўзбек давлатчилиги асосларидан йироқлаштириш мақсадида дарсликларда атайин шундай талқин қилинган экан. Бугун Президент девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, вазир, вилоят, туман, ҳоким каби қатор сўзларсиз ўзбек давлатчилигини тасаввур қила олмаймиз.

Бугун мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш ва ўрганишга ҳам алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Негаки, биз бугун жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнимизни янада мустаҳкамлаш учун хорижий ҳамкорлар билан алоқаларимизни ҳар томонлама кенгайтиришимиз, жаҳон илм-фани, технология соҳасидаги янгиликлардан мунтазам баҳраманд бўлишимиз учун хорижий тилларни мукамал ўрганишимиз керак.

Аммо бу борада ҳам Юртбошимиз кимлигимиз, эгаллаб турган лавозимимиздан қатъи назар, ҳаммамизни муҳим бир нарсани ёддан чиқармасликка ундайди:

«Шунга алоҳида урғу беришимиз зарурки, чет тилларни ўрганиш, минбаъд она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисидан ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин».

Орадан йиллар ўтди, истиқлол боис ўзбек тили ҳам жаҳонга чиқди. Шарқу Фарбнинг қатор давлатларидаги нуфузли олий таълим муассасаларида ўзбек тили ўрганилмоқда. Тил ўрганиш мақсадида қанчадан қанча хорижий мутахассислар мамлакатимизга ташриф буюрмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ўзбек кураши бебаҳо миллий қадриятимиз тимсоли сифатида жаҳонга чиқди. Эндиликда дунёнинг барча мамлакатларидаги нуфузли мусобақаларда «ҳалол», «чала», «ёнбош» каби ўзбекча сўзлар жарангламоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий мамлакатларнинг элчилари ҳам халқимизга эҳтиром сифатида сўзларини «ассалому алайкум» билан бошлаб, «ташаккур», «раҳмат» деган сўзлар билан якунлайди.

Ўзбекистон бугун ўзининг кучли давлатчилик тизимида, давлат байроғи, герби, мадҳияси, тилига эга бўлди. Дунё аҳли ўзбек мақом санъати, эстрада кўшиқчилиги, ўзбек шеърини орқали она тилимизнинг ўзига хос бетакрор оҳангидан баҳраманд бўлмоқда. Ўзбек тили — мустақил тараққиёт йўлидан илдамлаб бораётган давлатимиз, бунёдкор халқимиз маънавиятининг ёрқин бир кўзгуси, эркин ва озод халқ бўлиб юксалишимизнинг яна бир муҳим белгиси сифатида юксак мақомда жаранглаб турибди.

Манзура БОЛТАБОЕВА





Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 178-сонли қарорига асосан 2018 йилга қадар Хоразм вилоятида 65 та Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ташкил этиш белгиланган.

Шу кунгача вилоятда 13 та ана шундай марказлар фойдаланишга топширилди.

2015 йил охиригача яна 6 та замонавий аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.



ОТАУЛИ



«Doston — bu
xalqning o'zligi,
o'Imas ruhi, ko'ngil bisoti...»

Истеъдодли ёзувчи Отаулининг илк асари — «Сирли олам» бадиаси 1976 йилда «Гулистон» журналида чоп этилган. Ўтган давр мобайнида адиб қатор салмоқли асарлари билан китобхонлар меҳрини қозонди. Айниқса, ёзувчининг 1999 йилда чоп этилган «Элчи (Афанди ўлмайдиган бўлди)» насрий достони адабий жамоатчилик томонидан қизгин кутиб олинди. Қуйида адибнинг «Тилсим» асаридан олинган парчани эътиборингизга ҳавола этамиз.

...Минг афсуски, қахрамонимиз узоқ йиллик изла-нишлар ниҳоясида ният қилган шу дostonни ёзолмади. Агар ёза олганида, қандай дoston бўлар эди у? Ёзма адабиётнинг «Алпомиш»и бўларми эди, ким билсин!..

Эртақдаги Кенжа ботир уддалай оладиган, Мулла Ботирнинг набираси, Зокир муаллимнинг кенжа ўғли уддалаши эҳтимол бўлган бу ишни энди ким ҳам уддалай оларди дейсиз! Бизнинг имкониятимиз ҳам, ниятимиз ҳам, аввал-бошда тан олиб айтганимиздек, ўта чекланган. Ишимиз ҳолимизга яраша: кўнгилларга йўл топишгина. Модомики, мурод-мақсадимиз тил учидан дил қаърига қадарлик борса келмасдан мушкул йўлдан ўтиб, кўнгил бисотига етиш экан, қахрамонимиз кўнглида кўп йиллар асраб-ардоқлаган энг муқаддас ганжина ва энг пинҳон нуктага (нуктага эмас, нуктага!) бирров назар ташлайлик! Қиссадан ҳисса, неча-неча йиллар мобайнида қанча-қанча қоғозларни қоралашдан кўзда тутилган пировард мақсад шу, ахир!

Хўш, дoston нима? «Қахрамонлик эпоси»ми? «Шеърлий роман»ми? «Поэма»ми? Нима ўзи бу дoston деганлари?!

Болалик йиллариданоқ «Алпомиш», «Гўрўғли», «Далли», «Равшан», «Балогардон», «Маликаи айёр»...

кўйингчи, она тилида мавжуд юздан ортиқ дostonларни қулоғига кўрғошиндек куйиб, кўзларига сурмаи сурайё қилиб улғайган Кенжа дoston хусусида кўп ўйлайди. «Дoston нима?» деган саволга муттасил ва мукаммал жавоб қидиради.

Эсида, бундан ўн беш йил муқаддам Тил-адабиёт институтининг Нутқ маданияти бўлимида нақ Хумо қуши бошига кўнишидан аввал бўлиб ўтган қисқагина суҳбат асноси Фозил Шариф унга иккитагина савол берди. Аввалига хужжатлари билан «Яссавий — Йиғлаган ота» мақоласини кўздан кечири туриб сўради: «Хорижий усқуналар тилини билишингиз яхши, бўтам, бироқ уларга ўралашиб умр ўтказмоқчимисиз, ё нутқ маданияти масалаларига чуқурроқ кириш ниятингиз борми?..» «Чуқурроқ кириш ҳам гапми! — деди Кенжа ич-ичдан ғижиниб. — Иложи бўлса, тубтубига шўнғисам дейман, домла! Ҳали энг ноёб гавҳар менинг топганим бўлади, худо хоҳласа!..» Кенжанинг шаҳди кутганидан ҳам баландроқлигига ишонч-у қаноат ҳосил қилди, шекилли, Фозил Шариф иккинчи саволига ўтди: «У ҳолда айтинг-чи, бўтам, дoston нима?..» «Дoston... дoston бу... — Кенжа кўнглидан кечаётганларини тилда кўнгилдагидек ифодалаёлмай аввалига бир муддат эсанкираганча дудуқланди. Кейин... ич-ичдан иккинчи нафас йўли очилдими, ғойибона бир куч мададкор бўлдими, фикри дафъатан равшан тортиб (кейинчалик билса, шарқона тилда — бадиҳагўйлик, ғарбона тилда — импровизация деб аталар экан бундай ҳолат!) алланечук жўшиб тилга кирди: Дoston — бу халқнинг ўзлиги, кўнгил бисоти, кечмиш-кечирмиши, ҳис-туйғулари... хуллас, халқнинг ўлмас руҳи, домла!» «Ана, кўрдингми! — Фозил Шариф нимагадир унга эмас, ёнида ўтирган қирқ ёшлардаги бир одамга (кейинчалик билса, «Алпомиш» дostonининг жамики тур-



кий нусхаларини қиёсий таҳлил қилган олтойлик шогирдига қаради: — Шу йигирма беш яшар оддийгина жарроҳнинг дoston ҳақидаги тушунчаси анови алломаи замонларнинг тушунчаларидан тиниқ-рок! Довдир бола йўлида дуч келган чолни «бобом» деганидек, бобни билмайдиган чаламуллалар атиги уч варақлик енгил-елпи шеърий тизмани «дoston» деб юришибди! Халқнинг юздан ортиқ дostonга сифмаган руҳи... уч вараққа сифадими, ўзинг тананга бир ўйлаб қара!..»

Мана, ўн беш йилдирки, у дostonнинг нималигини теранроқ англаб етишга жон-жаҳди билан интилиб яшайди. Ўйлайдики, ўшанда — ўн беш йил муқаддам домланинг саволига, умуман олганда, тўғри жавоб берибди. Айниқса, дoston, дарҳақиқат, халқ руҳининг энг буюк кўзгуси! Фозил Йўлдош, Эргаш Жуманбулбул, Ислom шоир, Пўлкан шоир, бошқа кўпдан-кўп бахшиларимиз ижро этган жаҳонда бе-назир дostonларимизда шундай бир руҳ, руҳий қувват, илоҳий қудрат борки, унинг на поёнига етиб, на оддийгина ва ё илмий тус берилган бурама-гажак жумлаларда тушунтириб-изоҳлаб бўлади. Уни фақатгина ҳис қилиш керак! «Чўмичдаги сув Ганг эмас! — деган буюк ҳинд мутафаккири Рабиндранат Тагор. — Ганг дарёсининг беқиёс тароватини ҳис қилиш учун унинг соҳилига бориш керак!» Шунчаки дарё эмас, бепоён уммоннинг улуғворлигини соҳилда турибгина эмас, иложи бўлса, туб-тубига шўнғиб ҳис қилинганидек, «халқ» билан «дoston» деб аталувчи бепоён уммонлар сидқидилдан, чин юракдан туйилади. Зеро, «халқнинг руҳи» деса дегудек дoston манзиратдек тил учиде айтилмайди, ҳасратдек дил қаъридан чиқади. Шунинг учун ҳам хиргойидек енгил эмас, катта ашуладек оғир бўлади у! Оғизда эмас, бўғизда айтилади. Ўйнаб-кулиб эмас, куйиб-куйиниб, бўзлаб айтилади. Том маънодаги оғзаки нутқ — бадиҳа — импровизация — бу халқумдаги жон демак! Оғзаки дoston — халқумга жондек қадалган халқ руҳи демак!

Она тилидаги ёзма дostonчилик мактаби хусусида ўйлар экан, Кенжанинг кўз олдида, аввало, беш нафар қалам паҳлавони гавдаланади: «Қутадғу билиг»ни яратган Юсуф Хос Ҳожиб, «Ҳибат ул-ҳақойиқ»ни яратган Аҳмад Югнакий, «Фарҳод ва Ширин»ни яратган Қутб, «Юсуф ва Зулайҳо»ни яратган Дурбек, «Гул ва Наврўз»ни яратган Лутфий! Ана ундан кейин Низомий билан Дехлавий панжаларига панжа урган, балки, аввало шу беш дostonга ўзининг беш дostonдан иборат «Ҳамса» асари билан қойилмақом жавоб қилган, беш забардаст шоирнинг ишини қилиб, баайни биргина асарда беш қитъани бирлаштирган ҳазрат Алишер Навоий! Хўш, ундан кейин-чи, хўш, ундан кейин? Қани туркигўй дoston-навис? Қани дoston?..

Тўғри, Навоийдан кейинги беш асрлик ёзма нутқ тарихида якка-ягона мўъжиза — Муҳаммад Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonи бор!

Мана, ўн беш йилдирки, Кенжа бир муаммо устиде, айниқса, кўп бош қотиради: нега Жулқунбой ҳам, унинг севимли бош қаҳрамонлари — Отабек билан Кумуш ҳам Фузулийни беҳад севар эдилар? Дейлик, Кумуш Отабекнинг «тил остида тил сақлаб» Зайнабга ўйланиши ҳақидаги шум хабарни эшитганида нега


бошқа бир китобдан эмас, айнан Фузулийдан паноҳ қидирди? Сабаби фақатгина «Фузулий — яхши китоб»лигидами? Фузулийнинг қай китоби назарда тутилмоқда? «Лайли ва Мажнун» дostonи эмасми, мабодо?!

Бундан ҳам ажаброғи, нақ тилсим қадар сир-синоатли жойи шундаки, туркий халқлар орасида Фузулий дostonидек улкан доврўф қозонган дастлабки баркамол туркий роман — «Ўткан кунлар» асарига ёзган уч жумла муқаддимада Жулқунбой «Янги даврда... халқимизни шу замоннинг «Тоҳир ва Зухра»лари, «Чор дарвиш»лари, «Фарҳод ва Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз» дейди-да, ўз асарини шу йўлдаги дастлабки уриниш сифатида баҳолайди. Асарнинг жанрини эса, дейлик, Авлонийнинг «Туркий гулистон»ига ўхшаб поэма деб эмас, айнан «роман» деб атади. Сабаби — фақат камтарликдами ё романнинг, умуман, жаҳон адабиётида, хусусан, миллий адабиётдаги мавқеини дostonдан баландроқ деб билишдами?

Кенжа гоҳо ўйлайдики, сабаб унда ҳам эмас, бунда ҳам, бутунлай бошқа ёқда! Сатрлар замирида учинчи — асл сабаб, теран мантиқ «мана мен» деб турибди. Жулқунбой шуни жуда яхши билар эдики, юзлаб оламшумул оғзаки дostonлар, ўндан ортиқ қойилмақом ёзма дostonларда ўз ифодасини топган буюк бир халқнинг ўлмас руҳи поки... ҳарчанд зўр бўлмасин, «Ўткан кунлар»дек «кичкина бир тажриба, яна тўғриси, бир ҳавасга сифавермаслиги муқаррар эди! Бу ўлмас руҳ ҳали ўзи яратишга чоғланган, бе-малол ички бир қаноат билан «дoston» деб атаса бўладиган янги асарларда, ўз издошлари яратажак асарларда яна-да ёрқинроқ ифодаланишидан умидвор эди!

Афсуски, бу умид Қодирийнинг жисми билан бирга тупроққа кўмилди. Мустабид Шўро тузуми бу умидни мўрғаклигидаёқ бўғиб ташлади. Қодирий аввал навбатдаги романга, сўнгра қиссага ўтишга, яъни қадам-бақадам «ўзида ҳис этган мажбурият» томон юриш эмас, ортга чекинишга мажбур бўлди. Миллий ёзма адабиёт қасрининг тўрига роман чиқарилиб, дoston эса, аксинча, пойгакка туширилди. Дoston ўта майдалаштирилиб, жўнлаштирилиб, аллақандай «лиро-эпик асар», оддийгина «поэма» сифатида талқин этилди. Ҳолбуки, дoston ўзининг миллий табиати ва халқ руҳини ифодалаш имкониятлари жиҳатидан романдан ҳам юсакроқ эди: халқ руҳининг энг улкан ва чинакамига миллий кўзгуси эди! Умуман, жаҳонда «дoston» сўзининг ҳам, «роман» сўзининг ҳам туб луғавий маъноси «ишқ-муҳаббат» бўлиб, бири — Шарқ адабиётининг, иккинчиси — Фарб адабиётининг етакчи жанрини англаувчи сўзлар эди. Яна шуниси ҳам борки, жаҳон адабиётида дoston романдан қадимийроқ, ҳам салмоқлироқ бўлиб, аллақандай «лиро-эпик жанр»ни эмас, айнан «эпос» маъносини англатар эди. Шунинг учун ҳам жаҳон халқларининг энг буюк эпослари — «Рамаёна» билан «Махобҳорат» ҳам, «Илиада» билан «Одиссея» ҳам, «Алпомиш» билан «Гўрўғли» ҳам «дoston» деб аталар эди. Ёзма адабиётда эса, бу сўз «эпопея» маъносини англатар эди!

Икром ОТАМУРОД



Таниқли шоир Икром Отамурод бугунги кунга қадар миллий шеъриятимизда ўзига хос ижод намуналари, қолаверса, «Ярадор умид отлари», «Сопол синиқлари», «Изтироб» каби дostonлари билан кўплаб шеърият мухлислари қалбини забт этган.

Журналимизнинг бу галги сонидида шоирнинг «Балки...» деб номланмиш янги дostonидан парча эълон қилинмоқда.

Balki...

...Балки...
...Балки...
...Балки...

...Балки, вақт
маконни назарга илмай,
шиддат билан емираверар
турфа-турфа
йўсинга
чоғлаб...

...Балки,
умидни
тикилтириб-тикилтириб,
йўрттирар-йўрттирар
тоқатнинг
бағрига
жойлаб
жойини...

...Балки,
хаёлингда қолган суратга
интизор-интизор
тикилиб-тикилиб,
зигирча гард кўндирмай,
унутмай
зинҳор-зинҳор
олиб юраверасан
соғинчингни
гуллатиб мудом...

...Балки,
салом.
Балки,
хайр.
Балки,
шодлик.

Балки,
ғам.
Балки,
кангулдан учган тайр.
Балки,
кўздан сириққан нам...

...Балки,
томларнинг
баланд-баланд
сатҳида
қалин-қалин
тўшалган
қорлар
айланиб
майда-майда
томчиларга,
тарновлардан
томғилаб-томғилаб
пайдо қилади
тупроқнинг
кўксига
сингиб-сингиб,
қўшша-қўшша
косаларни...

...Балки,
дунё
бағринг тубида нола —
ижтиноб уҳига тўлиб бўзлайди.
қай бир ўстирганинг дардинга ҳола,
қай бир ўстирганинг тигин кўзлайди.

...Балки,
дунё
қай-қай томонларингда
не-не анволарга товланар илинж.
ҲАҚни бажо айлаган онларингда
ўкситиб-ўкситиб қақшатади гинж.


...Балки,
дунё
эшигин кимдир бузиб,
титмоқ истар азон қатламин он-он.

Дунё шу ҳолатдан боради тўзиб,
дунё ҳовлисида югурса нодон.

...Балки,
қанча
кўп ташласанг
назар
англагандай бўласан
атрофингни,
бамисоли,
ўйлар сирасинда
сезганинг
сингари
ўзингни...

...Балки,
самонинг
кўзёшлари
бир муддатгина
кўкартирар
муштоқ-муштоқ
термултириб
самога,
қақроқ-қақроқ
ёбоннинг
умри қисқа
гиёҳларини...

...Балки...





Ўзининг мазмундорлиги, тарбиявийлиги ва умр-боқийлиги билан санъатнинг бошқа турларидан ажралиб турувчи фольклор халқимизнинг турмуш тарзи, дунёқараши, руҳий-эстетик олами, ички кечинмалари юксак бадий ифода этилган азалий қадриятдир. Истиқлол йилларида халқимиз маънавий меросини ўрганиш, мазмунан шаклланиб, бугунги ойдун кунларимизгача етиб келган фольклор асарларини тўплаш ва кенг тарғиб этишга катта эътибор қаратилди, фольклор-этнографик жамоаларининг фаолияти жонланиб, янги бадий ҳаваскорлик жамоалари шаклланди.

Ҳозирда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида жами 64 та фольклор ансамбллари фаолият юритмоқда. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ҳайъатининг қарорига асосан бу жамоаларнинг 52 тасига «Халқ ҳаваскорлик жамоаси», 2 тасига «Болалар намунали жамоаси» унвони берилган. Ушбу жамоаларда икки мингга яқин ҳаваскор ижрочилар санъатнинг ўзлари севган йўналишлари бўйича ижодий фаолият олиб бормоқдалар.

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан ўзбек фольклор санъатининг турли жанрларини ўрганиш, қадимий анъаналаримиз, халқ оғзаки ижодининг ноёб намуналарини сақлаш, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, бадий ҳаваскорлик жамоаларининг дастурларини янгилаш, ижро йўллари, сахна либослари, мусиқа асбобларининг ҳудудий ўзига хослигини таъминлаш, жойларда фаолият юритаётган фольклор-этнографик жамоалари фаолиятини ривожлантириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жорий йил Бухоро шаҳридаги Лаби Ҳовуз мажмуасида «Ипак ва зираворлар» XIV анъанавий халқаро фестивали доирасида Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, «Олтин мерос» халқаро жамғармаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамда Бухоро вилояти Мада-

ният ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида фольклор-этнографик жамоаларининг «Уmidbaxsh navolar» республика кўрик-фестивалининг ўтказилиши ана шу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Унда танловнинг вилоят босқичи ғолиблари иштирок этди.

Ижрочиларнинг чиқишлари намоиш этилган дастурнинг бадий қиммати, мусиқа чолғулари ва сахна либосларининг ҳудудий хослиги, ижро маҳорати, овоз ва созларнинг уйғунлиги, сахна маданияти каби мезонлар асосида соҳа мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади.

— Илк марта ташкил этилган мазкур анъанавий республика фестивалини мунтазам тарзда ўтказиш ижодкорларни илҳомлантириши, қадимий фольклор намуналарини излаб топиш, уларга сайқал бериш, бугунги тинчлик замонни тараннум этадиган янги кўшиқлар яратишга ундаши, қолаверса, кўплаб ҳаваскор ижрочиларни кашф этишга хизмат қилади, — дейди Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори Азамат Ҳайдаров.

Танловда Бухоро шаҳар Бобур номидаги Маданият ва аҳоли дам олиш марказининг «Моҳи-Ситора», Жиззах туманининг «Зебомхон», Навбахор туманининг «Ёр-ёр», Наманган вилоятининг «Гулдиёр», Хива туманининг «Хива», Оқдарё туманининг «Миёнқол», Гулистон туманининг «Сайхун йигитлари», Қарши шаҳрининг «Ойдиной», Бойсун туманининг «Бойсун», Балиқчи туманининг «Зилол», Олмалик шаҳрининг «Навбахор», Қўқон шаҳрининг Раҳимахон Мазоҳидова номидаги «Қўқон ёр-ёри», Тошкент шаҳрининг «Дурдона» фольклор-этнографик ансамбллари қатнашдилар.

Жамоалар ўз ҳудудларига хос бўлган қадимий халқ кўшиқлари ва рақслари, айтишувлар, миллий халқ ўйинлари, урф-одат ва маросимларни ўзида акс эттирувчи театрлаштирилган томоша дастурларини намоиш этиб, нафақат халқимиз, балки чет эллик меҳмонлар олқишига ҳам сазовор бўлдилар.

Назокат АҲМЕДОВА



Хай ХИНГ

Siz yashashingiz kerak

Ҳикоя

Ёзнинг кеч оқшоми. Ен Фу тепалиги.

Нъи Ха кўлининг суви аста кўтарилиб борар, кўл юзасида орол ҳосил қилгудай қирғоққа урилиб-урилиб тўлиб-тошарди.

Қизғиш сув бўйлаб, дарахтларнинг синган шох-шаббалари сузиб борарди.

Тхик тепаликда туриб бироз ўйга чўмди, сўнг қайтиб келди, аёлига бироз тикилиб пичирлаб сўради. Аёли бир осмонга, бир кўлга қараб, бошини чайқаб, чуқур хўрсинди:

— Шамол жуда кучайди, осмон остидаги анави қора булутларни қара, ёмғир ҳам ёғақолмади-а!

Тхик бир хўрсиниб олдида, вазмин қадамлар ташлаб кетар экан бирдан тўхтаб хотинидан сўради:

— Гуруч пиширдингми?

Хотин ғамгин овозда жавоб берди:

— Ҳа, бироқ, фақат у кечки овқатда икки боламизга базўр етади, холос.

Эр-хотин сукут сақлаганича бир-бирларига қараб қолишди... Бироз вақт ўтгач, улар яна кўл қирғоғига келишди: ўша дарахт шох-шаббалари ҳали-ҳануз уфқ акси таъсирида қизарган кўл узра сузиб юрарди.

Тхик зўр-базўр мийиғида жилмаяркан, хотини Лакка қараб деди:

— Ҳой!

Хотини бошини чайқаганича, ҳеч нарса демади. Тхик сўради:

— Бугун Ки холаникига бордингми?

— Ҳа, бордим.

— Хўш?

— Ҳеч гап йўқ. У ўтинларни олиб борганимиздан кейингина пул беришини айтди. Олдиндан пул бормас экан.

— Шунақами?

Унинг «шунанамми?» деб айтган сўзи гўё деворга қаттиқ урилгандек жаранглаб чиқди. Тхик ишни тўхта-тиб, уйга отланар экан, қайтиб келиб, хотинига деди:

— Ҳой! Мен уйга қайтман.

— Уйда Нион бор, Бэ ҳам улар билан бирга ўйнапти.

Нион эндигина беш ёшда бўлса-да, укаларига жуда яхши қарайди.

— Майли мен кетдим... Сен ҳам қайтақол, қолиб нимаям қилардинг?

— Хўп, майли, сиз бораверинг, мен ҳам изингиздан бораман.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши қатор давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса кўшиб келмоқда. Халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда маънавий мерос, бадий адабиёт, миллий анъана ва қадриятларнинг ўрни каттадир. Мазкур саҳифа Кенгаш қошидаги «Ўзбекистон-Вьетнам» дўстлик жамияти кўмаги остида тайёрланган бўлиб, унда вьетнам халқига хос қадриятлар ва бугунги тинч ва фаровон ҳаётгача босиб ўтилган машаққатли кунлар ҳақида ҳикоя қилинади.

ОТАСИЗ БОЛА — ТОМСИЗ УЙ

Вьетнамда «ота-она» атамаси икки бўғиндан иборат бўлиб, шеваларда турлича номланади. Шимолликлар ота-онани «bo me» деб атасалар, марказий худудларда яшовчилар «thay» (туб маъноси — устоз), яъни «thay u» деб аташади. Жанубликлар эса отани «tia», онани «ma» дейишади. Кейинчалик французлар таъсирида шаҳарликлар ота-онани «ba me», деб атай бошлашган. Айрим оилаларда ота-онага «ака», «опа» деб мурожаат қилинади.

Улар доимо фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратишади. Ота-оналар қаттиққўл бўлиш билан бирга, ўзаро самимий муносабатларнинг сақланишига алоҳида аҳамият беришади. Ота-она фарзанди етук инсон бўлиб улғайиши учун ҳеч нарсани аямайди, улар ҳақида қайғуриб, ҳар томонлама билимли бўлишларига кўмаклашади. Вьетнамликлар томонидан «Отасиз бола — томсиз уй» деган нақл бежиз айтилмаган.

Шунингдек, оилада фарзанд учун онанинг ўрни бекиёс бўлиб, халқ мақолларида «кексайган оналар банан ҳиди, ёпишқоқ гуруч ва шакарқамишдай ёқимлидир» тарзида таърифланади.

Боиси, вьетнамликлар ҳаётида узоқ йиллар давом этган урушлар асносида тирик қолиш учун, эрк ва озодлик йўлидаги заҳматларни энгиб ўтишда банан, ёпишқоқ гуруч ва шакарқамиш энг муҳим озқувий воситалар ҳисобланган.

Ўхшатишлардан англашиладики, вьетнамликлар турмуш тарзида фарзанд тарбияси ўзига хос ўрин тутди.

Тхикнинг аёли Ен Фунинг ақлли аёлларидан.

Тхик оғир қадамлар ташлаб уйга кириб келди. Дим, қоронғу...

Хотини Лак остонада турганча ўйга толаркан, ўзининг камбағалликда ўтаётган оғир ҳаётини ўйлаб юраги эзилди.

Бўйра солинмаган уйда кечаётган машаққатли ҳаёт, йиғлаб турган уч гўдакнинг гингиб онасига талпиниши... Она сутини соғинган болакай Бонинг чирқираб зорланиши... Тушдан то кечгача эммаганидан унинг қорни жуда очикқан эди.

Нион укасини овутишга ҳарчанд уринмасин, у сира кўнай демасди. Шу пайт остонада онаси Лак кўринди.

У шошганча югуриб келиб болани қўлига оларкан эркалаб деди:

— Бўлди, бўлди! Узоқ қолиб кетиб, сени оч қолдирдим, йиғлатиб қўйдим-а?!

У аввал Бэни овқатлантирди, сўнг Бони. У болани узоқ вақт кўкрагига тутиб турди, бироқ... сут келмасди, бола онасининг кўкрагини итариб, аламдан янаям баландроқ йиғлай бошлади.

Она нима қилишини билмай чуқур хўрсинди, томоғига нимадир тиқилгандек бўлди, қоп-қора кўзлари ёшга тўлди. У ўрнидан турганча болани кучоқлаб, дам юрар, дам аллалаб, дам бағрига янаям қаттиқроқ босганча дерди:

— Болажоним! Нима қилай, егани ҳеч вақо йўқ. Сенинг қорнингни тўйғизай десам, сут ҳам келмаяпти...

Бироздан сўнг, болакай йиғлаб ҳолдан тойиб ухлаб қолди. Лак шовқин солиб, укасини уйғотиб юбормаслиги учун иккала фарзандини ўйнагани ташқарига чиқариб юборди.

Сукунатга чўмган хонада унсиз ўтираркан, хаёлга толди. Ўтган умрига назар солди. Улар ўта оддий ва огир меҳнатда, камбағалликда ҳаёт кечиришади. Кўп нарсалар ҳақида ҳатто орзу қила олмайди. Унинг кичкина жуссасига ҳаёт қанчалар катта ва огир юкни юклаб қўйибди. Дили бахтдан роҳатланганини эслай олмайди, фаровон турмуш нималигини билмайди, гўёки бахт унга бегонадек.

У ўн етти ёшида Тхикка турмушга чиқди. Йиллар ўтди. Уларнинг ачинарли, қоронғу ҳаёти ёришай демасди. Бирин-кетин фарзандлари дунёга келди. Машаққатлар эса камайиш ўрнига тобора кўпайиб борарди...

... Тхик бироз қарз олиб, қайиқ сотиб олди. ... яна кизил шафақ қоплаган қўлга юзландилар.

Куруқ дарахтнинг синган шохлари... Кучли шамол...

Бугун у охирги қарзини узди...

Қайиқни сувга тушираётган эрини кўриб, Лак унга яқинроқ келди.

— Қаерга кетяпсиз?

У негадир кўзини ердан узолмай хотинига узук-юлуқ дудуқланди:

— Не-га бо-лалар билан уйда эмас-сан?

Лакнинг юраги бир нималарни сезгандек нотинч урарди. У хавотирланиб эрига юзланди:

— Болалар ... улар ухляпти...

— Сен... сен бу ерда... нима қиялпсан?

— Сиз, сиз қайиқни сувга тушириб, қаерга кетмоқчисиз?

— Ишинг бўлмасин, бор, уйга қайт!

Бирдан Лак юзини қўли билан ёпганча йиғлаб юборди. Тхик хотинига қараб огир хўрсинди:


— Нега йиғлаяпсан?

— Бо! Нион! Бэ! Улар ҳали кичкина. Йўқ! Сиз... Сиз ҳали яшашигиз керак! Наҳотки, мени мана шу қўлда, куруқ дарахт шохлари орасида бир ўзимни ёлғиз қолдириб кетмоқчисиз, ўтинаман, бизни ташлаб кетманг...


Тхик бир қора булут қоплаган осмонга, бир чайқалиб турган сувга маъюс тикиларкан, узоқ вақт жим қолди, сўнгра бемажол лабларига жон киргандай бўлди:

— Йўқ, сизларни ташлаб кетмайман, кетолмайман...

Шамол борган сари кучайиб борарди, сув тинмай чайқаларди, бир оздан сўнг тун қуюқлашиб осмонда чарақлаб юлдузлар кўринди...



**Вьетнам тилидан
Дилбар ҚОДИРОВА таржимаси**



Ҳар фаслнинг ўз хислати бор,
Ҳар фаслнинг ўз фазилати...



Bori elg'a yaxshiliq qilg' ilki, mundin yaxshi yo'q...

Фаргона водийсининг жанубида жойлашган Сўх туманининг ичкарасида, баланд Ҳисор тоғлари ёнбағрида Хушёр қишлоғи бор (аслида тоғ сўзининг форсчаси — «ҳисор»га монанд бўлгану, кейинчалик ўзгариб кетган). Қишлоқ унча катта эмас, аммо анча қадимий, кўп воқеаларнинг гувоҳи. Чунончи, у машҳур шоҳ ва шоир Мирзо Бобурга бир муддат ошён бўлган. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай деб ёзилади:

«Муҳаммад Шайбонийхон Тошканд ва Шоҳруҳияни олгон маҳалда, Сўх билан Хушёр кўхпояларига келиб, бир йилга ёвуқ танқислиқ била ўтқариб, Кобул азимати қилдим».

Ҳа, Шайбонийхон томонидан Тошкент ва Шоҳруҳия ҳам эгалланганидан сўнг ноилож Бобур Мирзо Фаргона водийсига чекинади. Афсуски, у бир пайтлар подшо бўлган Андижону Фаргона ҳам унга душман бўлган ҳукмдорлар қўлида эди, шу боисдан, у ўз жони ва оиласини сақлаш мақсадида бундай узоқ ва хилват масканга чекинишга мажбур бўлган эди. Сўх ва Хушёр аҳолиси унга ёвлик қилмаган, аксинча, қўлидан келганча ёрдамни аямаган. Шундай бўлса ҳам, бу ерда ҳукмдорнинг оиласи, ёнидаги навкарлари бироз қийинчилик билан кун кўришга мажбур бўлишган. Буни Бобур Мирзо юқорида қайд этиб ўтаяпти. Бобур бу ерда жуда изтиробли дамларни бошдан кечирган. Устма-уст

мағлубиятлар натижасида тожу тахтнинг қўлдан кетиши, ўз жони ва яқинлари бошида турган хавфу хатарлар, келгуси ҳаётнинг қандай кечиши борасидаги мушкул ўй-муаммолар... Балки шоирнинг машҳур:

**Чархнинг мен кўрмаган
жавру жафоси қолдимۇ,
Хаста кўнглум чекмаган
дарду балоси қолдимۇ?**

**Мени хор эттию қилди
муддаийга парвариш,
Даҳри дунпарварни ўзга
муддаоси қолдимۇ?**

деган аламли мисралари шу ерда битилгандир. Бошқа ердан кўмак олишнинг иложи бўлмагач, ўз тожу тахтини қайта қўлга киритишдан умидни узган Бобуршоҳ қўшни Афғонистон томонларга бориб ўз бахтини синаб кўришга аҳд қилган ва кейин тоғлар ошиб ўша томонга йўл олган. Айтишларича, шоҳнинг бир қизи шамоллаб хасталаниб қолганлиги, уни совуқда тоғлар орқали олиб кетишнинг иложи бўлмагани боисидан шу ерда — Хушёрда қолдириб кетишга мажбур бўлишган. Хушёрликлар ўша шоҳ қизига меҳрибонлик кўрсатишиб, уни давола-

ганлар ва оёққа тургазиб, бир йилдан кейин Кобулга, отаси ҳузурига олиб бориб топширишган. Шу сабабли Бобуршоҳ билан хушёрликлар ўртасида узоқ вақтгача яхши муносабатлар давом этган. Яна «Бобурнома»га мурожаат этамиз:

«Бевилоят ва беватан юрган ерларимиз ва Сўх ва Хушёрдин келганларга чакманлар ва қумош хилъатлар ва олтундин ва кумушдин инъомлар бўлди».

Бу сўзлар Бобуршоҳнинг Ҳиндистонни эгаллагандан сўнг уюштирган тантанали базм-тўйи ҳақидаги қисмида битилган. Яъни Бобур Мирзо ўзига яхшилик қилиб, оғир кунларида кўмак қўлини чўзган ушбу қишлоқ аҳлига ўз миннатдорчилигини билдиришни унутмаган.

Мен бу воқеа ҳақида фикр қиларканман, Хушёр ва Сўхдаги оқсоқоллардан: «Сизларнинг аждодларингиз Бобуршоҳга яхшилик қилиб кейин унинг шоҳона миннатдорчилигига сазовор бўлган экан, хўш, қани, айтинглар-чи, улар кимларнинг ота-боболари бўлиши мумкин?» — деб суриштирдим. Оқсоқоллар бу маънида аниқ бир гапни айтолмадилар, аммо улар шу қишлоқ, шу ернинг одамлари бўлишган, бинобарин, уларнинг авлодлари ҳам шу ерда яшаб келишяпти. Майли, халқ тили билан айтганда: «Яхшилик қил, дарёга от — балиқ билур, балиқ билмаса — холиқ билур». Бу ҳақда Мирзо Бобурнинг ўзи шундай мисралар битганлиги маълум:

**Бори элга яхшилик қилгилки,
мундин яхши йўқ,
Ким, дегайлар даҳр аро
қолди фалондин яхшилиғ.**

Хушёрнинг тепароғида бир майдонча бор, бу ерни Бобуршоҳ майдони дейишади. Демак, шоҳ ва шоир шу атрофдаги хонадонлардан бирида истиқомат қилган. Мен майдончани кўздан кечирарканман, кўзим унинг четидаги бир харсангтошга тушди. Балки бу тош ўша замонда ҳам бўлгандир, Мирзо Бобур унга суюнганча хаёлга чўмиб, ўз режаларини тузгандир, ўзининг аламли мисраларини дилдан ўтказгандир... Ҳа, дунё ўткинчи, тош — тошлигича тураверади, инсондан эса яхши ёки ёмон деган ном қолади.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ



Султон МУРОД

Ё УЛ ҚИЛИБ, Ё БУЛ ҚИЛИБ...

Сен яратдинг, ох, Уни бир гул қилиб,
Бу кўнгилни ишқида булбул қилиб.

Гарчи сўнг йўлида монеъ истадинг,
Кўйдинг охир Ўзига бир қул қилиб.

Гул, тиконлар ичра пинҳон айладинг,
Зору илтижоларим бир пул қилиб.

Ё қил инсоф ёки бу тизгинни торт,
Дилга парвоз берма-да Дулдул қилиб.

Ишқида қўлга қалам тутқаздинг-а,
Охири, ё ул қилиб ё бул қилиб.

Эй, қачон Султон муродига етар,
Ёзганин девон тузиб, сўз мўл қилиб?

ШАМСУ ҚАМАР

Шамсу Қамар, Шамсу Қамар, Шамсу Қамар,
Иккисини боғлаш учун Ер — камар.

Шу тариқа ўтди, мана, неча замон,
Кўрдимикан заррача наф ёки самар?

Балки, самар ният эмас иккисига,
Сухбат учун топган улар вақти саҳар?

Субҳи саҳар пайти олар ҳамма нафас,
Жонлиғу жонсиз бўлар у, қатъи назар.

Кундузи излар Қамарин, ваҳки, бу Шамс,
Кечалари Шамсини излар бу Қамар.

Нур сочар бириси кундуз, бири — тун,
Ер нима дер, иккиси гар ютса заҳар?

Иккисига, балки, ёзилар савобу,
Қовушади, балки, улар рўзи Ҳашар.

Бўлди Муродийга ишора: «Битгил!» — деб,
Ҳотифи Ҳақ орқали бир келди хабар.

Вазни бўлур «муфтаилун», уч сира айт,
«Шамсу Қамар, Шамсу Қамар, Шамсу Қамар».

— Қаламим қани?

Жўравой меҳмонхона остидаги уйчадан эшитилган бўғиқ товушга эътибор ҳам бермади. У Жамолнинг ҳар кунги жаврашига ўрганиб қолган. Унинг кўк қаламини кеча гилам остига ўзи яшириб қўйган эди. Бугун Садбаргойимнинг меҳмонга кетганини билиб, Жамол яна кулбасида расм чизиш билан овора, ундан кўра, қозонни ювса бўлмайдими?!

Озғингина Жамол ҳовлига югуриб чиқди. Зина айланиб ўтаётганда кўк кўйлагининг енги темирга илиниб, шир йиртилди. Етимнинг кўли куйса куйсин, кийими йиртилмасин, ҳаҳ аттанг, бозордан яқинда харид қилган эди-я!

— Ака-а-а?

Жўравой унга тиржайди:

— Ҳа, жўжахўроз?

— Кўк қаламим қани-и-и?

— Осмонда!

— Ерга тушириб беринг!

— Воҳ, зорманда-ей, гапниям тешворасан-а!

— Ҳали шошмай туринг!

Жўравой етимнинг кўнглини оғритмай дедими, ишқилиб, дарҳол паст тушди:

— Кекирдагингни чўзмасдан гиламнинг остига қарасанг-чи!

Жамол кичкина хонасига қайтиб кирди: ўнг ва чап томонда иккита диван-каравот: киришдаги — уники, тўрдаги — Жўравойники; ерга сарғиш гилам солинган, деворга гулқоғоз ёпиштирилган, шарққа қараган дераза... Жамол бу уйга Жўравойдан кейин келган, шу уйда яшаётганига тўрт йил бўлди. Садбаргойим яхши аёл, лекин айтганларини бекаму кўст бажариш керак. Жамол ишдан эринмайди, тонг сахарда туриб ҳовли супуради, чой кўяди, ошхонада нонушта тайёрлашда Жўравойга гинг демай қарашиб туради. Кейин мактабга бориб келади...

У сарғиш гиламнинг учини кўтарган эди, катта кўк қаламни кўриб суюнди. Шу ерга яширган экан, ҳаҳ, ҳали қараб турсин.

Жамол қаламни қўлига олиб, чангини пуфлаб артди, сўнг кўз олдида ўйнатиб, ўзича қувонди. Мовий рангни яхши кўради. Бу қалам билан завқланиб расм чизади. Қаламни уч ой олдин расм дарсида Зебо ўқитувчиси совға қилган эди. «Яхши расм чизар экансан, шу қалам сенга совға, буни Тошкентдан олгандим», — деди. Шу қаламни кучоқлаб ухлаб қолган кеча онаси тушига кирди. Уйқудан туриб, бироз ўйланиб ўтирди, кейин хомуш тортди, сўнгра «Шу қалам билан ойижонимнинг расмини чизаман», — дея аҳд қилди. Ўзиям, эрта-кеч онасини ўйлайди, бир кўришга интиқ-интизор, аммо иложи йўқ. Икки яшарлигида онаси вафот этгач, Зухра холаси боқиб катта қилди, едирди, ичирди, тарбиялаб, суягини қотирди: энди у ҳам қариб қолди. Бундан тўрт йил олдин Садбаргойим «Шугинангизни менга беринг, ўғил қилиб олайн!» деган экан, мана, ризқини териб юрибди.

Уч ойдирки, онасининг расмини чизиш билан овора. Эрта чизади, кеч чизади, лекин сира ўхшатолмади. Ҳар гал чизганларини Зухра холасига ийманиб, уялиб, қимтини кўрсатади. Холаси расмга қарайди-ю, «ўхшамабди» дегандек бошини сарак-сарак қилади.

— Кўй, шу ишингни! — дейди унинг қийналганини кўриб. —

Аслида чизмаганинг яхши, руҳини безовта қиласан! — дея ўзича насиҳат ҳам қилади.

Жамол кеча чизган расмини газетага ўраб, ташқари чиқди:

— Жўра ака?

— Яна нима гап?

— Мен Зухра холамни кига бориб келай! Айтманг яна!

— Ҳай, ўртоқ командир, айтмаймиз!

— Айтган нима?

— Ҳар нарса! — Жўравой кулишдан ўзини зўрға тийди. Унга шунақа деб турмасанг, хафа бўлади. Ҳар ҳолда кўнгли ярим.

Зухра хола товукларига дон бераётган эди. Расмни кўрди-ю:

— Сал ўхшабди! — деди лабини тишлаб.



Жамол билдики, бу сафар ҳам расм кўнгилдагидек чиқмаган.

— Кимга ўхшар эдилар, хола? — деб сўради тоқати тоқ бўлиб.

— Онангми? — Холаси бир зум ўйланиб қолди. — Онанг... онанг Шодмонбойнинг келинига ўхшар эди.

Жамол ташқари отилди. Шодмонбойнинг уйи холасиникидан тўрт ҳовли нарида, шаршаранинг бўйида. Келинини яхши танийди. Сарвара — қишлоқнинг энг сулув қизи. Мирзабойнинг ўғли — Ҳалим дўхтир «оламан» дер эди. Шодмонбойнинг кенжаси — Иззатилла уни илиб кетди.

Шаршара суви тепадан тушиб, катта туйнукдан Шодмонбойнинг ҳовлисига кириб кетади. Жамол туйнукка эгилиб, ичкари мўралади. Сарвара бошини юваётган эди. Қоп-қора сочи жуда қалин ва узун, бир тоғорага зўрға жойлашарди. Қора сочлар, қоп-қора. Кулча юзи-чи?! Кулча юзи офтобда оқариб кўрилади. Ним кумуш ранг, заррин жилолар. Тонгда соғилган сут ҳиди димоғига урилиб, қилт ютинганча жувоннинг қора киприкларига боқди: сояси қовоқларига чизиқ тортиб турганга ўхшайди... Жуда чиройли-я! Онаси ҳам шунақа чиройли аёл бўлган экан-да! Ана энди ўхшатади, бу кеча, албатта, ўхшатади.

Ортдан тап этган товуш эшитилди:

— Хув ярамас! Кимни пойлаяпсан?

Ўгирилиб қараган эди, Шодмонбойнинг жияни — дўкон мудирини — лунжлари осилган, қорача Қодиркул аввал башарасига тарсаки тортиб, сўнг бор кучи билан биқинига тепди. Жамол кушдек учиб, шаршарага кулади, ўнг биқини қаттиқ санчиб, юзи ловуллаб ёнди. Кийимлари шалаббо бўлиб, сувда зўрға ўзини ўнглади. Изиллаб йиғлаганча: «Мен ҳеч нарса қилмадим, амаки!» — деди, қирғоққа чиққан эди, Қодиркул югуриб келиб, ёқасидан бўғди:

— Қани, бу ёққа юр, ҳароми...

Жамолнинг лабидан қон сизиб чиқди:

— Унақа ҳақорат қилманг, амаки!

— Ху, ярамас! — Қодиркул унинг қорнига тепди.

Уч-тўрт киши югуриб келди:

— Ҳой, Қодиркул, ўзингизни босинг, етимни хўрлаш гуноҳ!

Қодиркул ўзини оқлашга тушди:

— Бунинг ишини қаранг: уялмай-нетмай келинимизга кўз тикиб турибди...

Жамол ўнг биқинини ушлаганча таппа ерга йиқилди, оғзидан кўпик келиб, кўз олди қоронгилашди. Уни тезда дўхтирга олиб бордилар. Шифокор текшириб кўриб, жигари эзилганини аниқлади ва милицияга хабар берди.

Жамол тонггача алаҳсиради ва туш кўрди. Зухра холаси унинг чизган расминини кўлига олиб: «Қойил, худди онангнинг ўзини чизибсан! Энди ўхшатибсан!» — дея мақтади.

— Кўк қаламим қани?

Кимдир: «Алаҳсираяпти!» деди.

Зухра холаси: «Тузалиб кетадимми?» деб сўради йиғламсираб.

Жамол бўғриқди:

— Кўк қаламим қани?

Юмшоқ кўл унинг шишган бармоқлари орасига катта кўк қаламни қистириб қўйди...



Маъмурлар
Маъмурлар
Маъмурлар



Олтин олма, дуо ол

Ассалому алайкум, «Тўлқин» журнали тахририяти! Мен Қўшрабўт туманининг Қийқи қишлоқидан сизларга мактуб йўллаяман. Жорий йилнинг Президентининг таълимидан «Кексаларни эъзозлаш йили» деб номланган бизнинг оммашиқолашларни жуда хурсанд қилди. Чунки бунинг Шарофат Ражабова яқинда юз ёшга тўлди. Тиббиёт ходимлари, маҳалла фаоллари қарининг ҳолидан, соғлиқларидан хабар олиб туришибди. Асли эъзозда бўлган кексалар кўрсатилаётган бу таълимнинг ва эътибордан миннатдор бўлиб, бу хайри ишларнинг ботида турган Юртбошимизни дуо қилиб юришибди.


Шўқри, бунининг саҳиз нафар фарзандлари, биз — 38 нафар неваралари, 65 нафар эвара ва икки нафар чеваралари ёшларида насихат ва дуоларидан баҳраманд бўлиб юришимиз. Бунининг барча хайриликлар яхши билишади. Кўни-кўнлар, овулдашлар қарини йўқлаб кўп чиқшади. Бунини кўпни кўрган, тажрибаси кўп бўлгани учун маслаҳатларини ҳеч қилдан аямайди.

Ошқиниздашларнинг кўнчилиги ўқинишим. Бунинг аввал фарзандларининг, кейинчалик бизнинг ўқинишимизни қаттиқ назорат қилиб борганлар. Ҳозир кенжа авлод бўлган ўқаларини ва жияларинини теггаб турадилар. Мен диалогия фани бўйича ошқиниздашларда иштирок этиб, туман ва вилоят дотқинларига ҳолиб бўлганман. Аини пайтда Самарқанд тиббиёт институтини 2-курс талабасиман. Эришган ютуқларимда бунининг ҳам хиссалари борлигидан хурсандман. Бизнинг ҳар бир ютуқимиздан қарз завқлиниб, кейинги ишларининг учун дуо қилиб ўтирадилар. «Олтин олма, дуо ол», деган гапнинг маъини ўзини мисолида кўраяман. Энг яхши жойи — она-оналарининг ишда пайтларига бунининг эртаклари, хикояларидан баҳраманд бўлиб ўсанамиз. Боланишимизда бунинг бизга маталлар, топимоклар ўқиб берган бўлса, аини пайтда биз бунинга газета-журналлар ўқиб бераямиз. Бунинг яхши кўрадиган нашрлар ишда «Тўлқин» журнали ҳам бор. Бунинг ёшларидан бу журналини севиб ўқинишим, ишоб юришини бизга айтади берадилар. Биз журналини бунинга ўқиб берим дарабарада ўқинимиз учун ҳам кўпгина маълумотларга эга бўламиз. Шу жараёнда ўқинимиз ҳам журналхонга айланган. Энди бу нашрни биз ҳам ишоб, тўқлаб кўймоқдамиз. Буниндан ўтган бу тартиб бизда ҳам давом этади. Қачонлардир бирор асарни қайта ўқини, бирор маълумотни қайта кўздан кечириш керак бўлганда журналдан фойдаланамиз.

Сизларнинг ижодий ишларинизга барқарорлик, юртишимиздаги бунинг сизгари кексаларга соғлиқ, барқарорлик тўлаб мактубининг яқинлайман.

Фарух БОБОБЕКОВ

YOZUVCHINING QISMATI SHU:



ASAR RUHIDA AVVAL O'ZI YASHAB KO'RADI, SO'NG BOSHQALARNI YASHASHGA UNDAYDI

Ёзувчи Нормурод Норқобилов билан суҳбат

— Сизда бадий ижодга ҳавас қачон уйғонган?

— Ижодкорлик қобилияти инсонга Яратган томонидан бериладиган бебаҳо инъомдир. Бироқ табиат ато этган иқтидорни ривожлантириш ҳамда шакллантириш учун киши тиним билмай изланиши ва меҳнат қилиши зарур. Акс ҳолда, совуқ урган куртак гулга айланмаганидек, кишидаги ижодкорлик салоҳияти ниш уришга улгурмай, тезда таназзулга юз тутлади. Бу ўринда «куртак» сўзи бежиз тилга олинмаяпти. Боиси, бадий ижодга ҳавас асосан болаликда уйғонади, сўнг тинимсиз ўқиш ва ўрганиш давомида секин-аста камолга етади.

— Сизда бу ҳол қандай кечган, яъни «куртак»нинг гулга айланишига нималар сабаб бўлган?

— Бунга онамнинг оқшомлари айтиб берган эртаклари ҳамда узун қиш кечалари навбат билан овоз чиқариб ўқиладиган ўзбек халқ дostonлари сабаб бўлган. Биз фақат эртақ тингламасдик, чоғимиз етганча воқеа ва образларни муҳокама қилардик. Ўзимизча тортишардик, баҳслашардик, воқеликни тўғридан-тўғри эмас, қалбимиз призмаси орқали қабул қилардик. Биримизга ёққан қаҳрамоннинг бирор қилиғи бошқа биримизга сира ёқмасди. Ана ўшанда онам ҳакамлик қилиб, воқеликка ойдинлик киритарди. Дарвоқе, эшитган дostonларимга асосланиб дoston яратиш қўлимдан келмасда, онамдан эшитган эртақларга ўхшатма тарзда эртақлар тўқишга жуда уста эдим. Тўқиган эртақларимнинг биринчи тингловчилари тенгдошларим бўларди. Эртақлар орасида қистириб ўтиладиган шеърлар муаллифи ҳам ўзим эдим. Аммо буни ҳеч ким билмасди ва биров билиши зарур деб ўйламасдим ҳам. Айтган эртақларим болаларга хуш ёқса, ўзимни етти қават осмонда ҳис этардим ва баттар руҳланиб, мисли гулдай очила борардим. Энди ўйлаб кўрсам, менинг бахтим — теварагимдаги тингловчиларнинг тийраклиги, яъни лоқайд ва

бепарво эмаслигида экан. Баримизда эртақ ва китобхонликка нисбатан ҳавас ва муҳаббат гоятда кучли эди.

Мақтабнинг мўъжаз кутубхонасидаги санокли китобларни таллашиб, навбат билан ўқирдик. Бироқ онам — Ҳанифа момо айтиб берадиган эртақларнинг сеҳри, барибир, бошқача эди. Кейин билсам, эртақ айтишдан эртақ айтишнинг фарқи бор экан: эртақ айтган одамнинг овози керакли жойда товланиши ва тусланиши лозим экан. Тенгқурларим орасида юзага келган шу хилдаги илиқ муносабат, аниқроғи, муҳит туфайлими, синфимиздаги ўғил-қизларнинг ярмидан кўпи шеър ёзарди. Лекин қизиқ жиҳати, баримиз ёзган машқларимизни газета-журналларда чоп эттириш фикридан йироқ эдик. Қарангки, бу нарса хаёлимизга ҳам келмасди. Биз учун шеър ёзиш ва ёзганларимизни бир-биримизга ўқиб беришдан мароқлироқ машғулотнинг ўзи йўқ эди. Бу борада адабиёт ўқитувчимиз, марҳум Мурод домланинг ҳам ҳиссаси жуда катта эди. У киши ҳар сафар синфга кириб келиши билан биз бешинчи синф болаларидан шундай деб сўрардилар: «Хўш, бугун ким қандай шеър ёзди?» Ким шеър ёзган бўлса, уни бор овозда ўқиб берарди. Мурод домла ҳеч кимнинг машқини танқид қилмасди, қайтага дерди: «Иқтидоринга балли! Сен билан шу куёш остида юрганымдан, бир ҳаводан нафас олаётганимдан қувонаман, фахрланаман! Ҳа, бу шеъринг янада ажойиб чиқибди! Офарин». Бундай эътибор ва мақтовлардан сўнг шеър ёзмай бўладими, яъни куртақдан гулга айланмай бўладими. Мана, ҳақиқий адабиёт ўқитувчиси қандай бўлиши керак. У киши бизга қанот берарди, ўзимизга нисбатан ишонч туйғусини уйғотарди. Мен бу бағри кенг инсонга ҳамиша таъзимдаман!

— Демак, дастлаб насрда эмас, назмда ижод қилган экансиз-да?

— Худди шундай. Аслида ёзувчиларнинг аксарияти дастлаб шеърлар машқ қилади...

— Сиз қатори шеър машқ қилганларнинг бари шоир бўлдимиз?

— Ахир ҳамма ҳам шоир бўлавермайди-ку! Бу ерда энг муҳими, ўзига хос ижодий муҳитнинг мавжудлигидир. Ўша ижодий муҳит туфайли барчамизнинг қалбимизда эзгулик чечак отиб, ўзимизни ўзга бир нурли оламда юргандек ҳис этардик. Қувлик ва шумлик биздан жуда йироқда эди. Машқ ва китобхонлик туфайли ўқишга ҳавасимиз ғоят баланд эди, тезроқ улғайиб юртимиз корига ярашдан бошқасини ўйламасдик. Хуллас, ўзича шеър машқ қилиб юрган йигит-қизларимизнинг ҳеч бири кам бўлмади.

— **Ижодкорлик — Яратган юқтирган мўъжиза. Кимдир уни ривожлантиради, давом эттиради, кимдир эса йўқ. Бунинг боиси нимада деб ўйлайсиз?**

— Ижод бу — тинимсиз меҳнат, доимо қалбда жўш уриб турадиган ўтли тугён. Мабодо, қалбда тугён сусайса, ижод ҳам ўз-ўзидан сўнади. Ўз навбатида, ижодий меҳнатга бардошингиз етмаса, юракда алангаланиб турган тугёндан сизга ҳеч бир фойда йўқ. Хуллас, бу иккиси бир-бирига эш — қалбидан тугён аримайдиган, ўзи эса меҳнатдан қочмайдиган ижодкоргина нимадир ярата олади. Акс ҳолда, ёзган машқлари хотира бўлиб қолаверади...

— **Сиз ижодингизда табиатга алоҳида урғу берасиз...**

— Табиат борасида каминга болалиқданок омад кулиб боққан десаям бўлади. Бизнинг қишлоғимиз тоғ ва текислик туташган ерда жойлашган. Бир томонда кафтдек текислик, иккинчи томонда эса қир-адирлик, улар ортида чўнг тоғлар бўйи ростлаган. Ана шу бепоён тоғу тошлар биз қишлоқ болаларига тегшли эди, яъни хиёлгина эсини таниган бола борки, дастлаб табиатга рўпара келарди. Она табиат бағри худди она кучоғидек кенг ва тафтли эди. Унинг бағрида қанча эркалансанг-да, унга малол келмасди. Аксинча, бағрини янада кенг очиб, бизни турли жониворларга, ўсимлик дунёсига дуч қиларди.

Қизиқ жиҳати, она табиат бизни жониворларга нисбатан душманлик руҳида эмас, дўстлик йўриғида тарбияларди. Хўш, бу тарбия қандай кечарди? Буни ҳозиргача тўла англаб етмаган эсам-да, айрим жиҳатларини айнан кузатганман, шулардан бири — табиатда ҳеч бир жонивор одам боласичалик тажовузкор эмас; иккинчиси — барча жониворлар қаноатли, улар табиатдан керагини олади, ортиқчасидан юз ўгиради; учинчиси — жониворларнинг ҳеч қайсиси биринчи бўлиб ҳужум қилмайди, кет, дея сас беради, белги беради ва агар нодонлик қилиб, буни вақтида англай билмасанг, сўнг таъзиригини ейсан; тўртинчиси — табиатда жониворлар бир-бирига кушанда бўлиб кўрингани билан улар бир-бирисиз яшай олмайди, яъни улар ҳаёт деб аталмиш узун занжирнинг маълум бир халқаларини ташкил этади. Дарвоқе, инсон ҳам ўша занжирнинг зарур бир халқаси, лекин биз буни доим ҳам англаб етавермаймиз. Табиат қонунларини бузган одамзод охир-оқибат фақат ўзига зиён келтиради, холос. Худди шу каби қарашлар асарларимда етакчилик қилади.

— Ҳар бир ижодкорнинг асар яратиш жараёни ўзгача тарзда кечади? Сиз қандай ижод қиласиз? Асарларингиз учун мавзуни қаердан оласиз?

— Ҳар бир асар ўз ёзилиш тарихига эга бўлиб, буни бир-икки суҳбатда тўла изоҳлаб бўлмайди. Агар ижодни илоҳий жараён деб ҳисоблайдиган бўлсак, гоҳ илҳом жўшиб келади-да, тинмай ёзишга ундайди, гоҳ эса бу жараён сокин кечади. Айрим асар сюжети йиллар давомида ҳаёлингизда айланаверади, негадир уни ёзишга ошиқмайсан, баъзи асарлар эса тиқилинч қилиб туриб олади, тезроқ ёз, деб. Мавзу масаласига келсак, унинг ўзи келади. Сизга уни чуқур ўрганиш ва қаламга олиш қолади. Ана шу қаламга олиш жараёнида ёзувчи ўзга оламда, яъни асар руҳи билан яшай бошлайди. Ҳар бир бадиий асар ўзича туғилади, ўзича ёзилади...

— **Асарларингиз композицион жиҳатдан мукамал, сюжети қизиқарли, қутилмаган ечим ва хулосаларга бой. Сюжет ва композиция уйғунлигига қандай эришасиз?**

— Сюжет ижодкорнинг тафаккур маҳсули бўлиши ҳам, ҳаётдан олиниси ҳам мумкин. Ҳаётда кўплаб воқеаларни эшитасиз ёки бевосита дуч келасиз. Ва шулардан қайси биридир сизга таъсир қилиши ва асарингиз учун мавзу бўлиши мумкин. Бироқ муайян воқеада оддий инсон бошқа нарсани, ижодкор эса бутунлай ўзга нарсани кўради. Сюжет ва композиция уйғунлигига келсак, бу энди ёзувчининг билим ва иқтидорига боғлиқ.


— **Қайси асарларингиз сизни қаттиқ изтиробга солган ёки ўйлантирган ҳаётий воқеа асосида яратилган?**

— Биласизми, асарларимдаги жуда кўп воқеаларнинг айнан ўзини ҳаётда кўрганман. Шунинг учун ҳам адабиёт ва ҳаётни айро тасаввур этиб бўлмайди. Улар, менимча, яхлит бир нарса. Фақат ижод шундай тушунчаки, уни тасвирлаб бериш, муайян қолипга ёхуд шаклга солиб ифодалаш жуда қийин. «Қизча ва қарғалар» номли ҳикоям, ҳақиқатан ҳам, ҳаётда ўзим гувоҳ бўлган воқеа туфайли юзага келган. Улуғ ёзувчи Жек Лондоннинг: «Мен ёзаман, одамлар эса нима деса деяверсин», деган гапи менга жуда ёқади. Ижодкор қалби буюрганини ёзиши керак.

— **Яхши асар яратиш ёзувчидан тинимсиз меҳнат, изланиш талаб этади. Битта асарни яратиш учун қанча вақт сарфлайсиз?**

— Баъзи асарларим қисқа фурсатда ёзилади, баъзилари эса узоқ вақт давомида меҳнат талаб қилган. Масалан, ўтган йили ёзилган «Бўталок» деган ҳикоям оилар давомида яратилди. Лекин бу жараён мен учун ғоятда тотли бўлди: ҳикояни ҳузур қилиб, ҳар бир сўзни ғалвирдан ўтказиб-ўтказиб, ижод заҳматидан тотиниб-тотиниб ёздим. «Четдаги одам» номли ҳикоям эса айнан ҳаётда бўлган воқеа асосида юзага келган. Нима ҳам дердик, ёзувчининг қисмати шу: асар руҳида аввал ўзи яшаб кўради, сўнг бошқаларни яшашга ундайди.

Тошкент давлат педагогика университети магистранти Ҳафиза ИСЛОМОВА суҳбатлашди



Tanbur notasida ne g'am yashirin?

Танбур чолғуси миллий мусиқамизнинг ўзига хослиги, оҳанглар турфа ранглигида муҳим ўрин тутди. Ушбу соз ижрочилигининг улкан миллий мактаби мавжуд. Танбур ижро услуб-усуллари минтақавий ўзига хослик жиҳатидан, ижрочи усталар мактаби нуқтаи назаридан фарқланади.

Бухорода танбур чолғуси созанда томонидан тик ҳолатда ушланади. Ушбу ҳолатда дастадаги парда босилганда бармоқдаги куч кўпроқ ўша пардани садолантиришга кетади. Бундай ёндашув танбур ижрочилигига хос бўлган титратма, яъни «тўлқинлатиш» (вибрато)ни тўхтовсиз ҳосил қилишда қўлни чарчатмайди.

Бухоро танбур ижрочилигида «якка зарб», «қўш зарб», «зарби паррон» (учма зарб), «пирранг» ва «билак зарб» кўплаб ишлатилади. Мазкур зарбларни бирин-кетин ҳосил қилишда, ўнг қўлдаги танбур косасини ушлаб турган бармоқлар (ўрта, номсиз, жимжилоқ) олиниб, бош ва нохун тақилган кўрсаткич бармоқ бирга ёки кетма-кет ҳаракатланиб, ўзига хос садоланиш пайдо қилади.

Бухоро танбур ижрочилигида нохун асосан юқоридан пастга қарата урилади ва чолғуда таралган товуш ўзига хос садоланади. Воҳанинг танбур ижрочилигида бошқа зарблардан кўра кўпроқ «якка зарб» ишлатилади. Воҳага хос аънавий ижрочиликда ярим ёки бир тонгача бўлган «кашиш» (бунда бармоқлар танбур дастасида пардага босилади ва иккинчи бармоқ билан тик ҳолда ярим тонгача эзилади) деярли сезилмайди.

Самарқанд, Хоразм воҳасига хос танбур ижрочилиги фарқланмайди, десак ўринли бўлади. Тошкент-Фарғона ижрочилари танбур дастасини ўзларига қаратиб ушлашади. Чолғунинг бундай ушланишига сабаб, миллий мусиқа ижрочилигига хос безак-кашишларнинг тўлақонли чиқишини таъминлашдир. Ижро безакларидан ҳисобланган «тўлқинлатиш»нинг бутун, яримта, чорак ҳамда нимчоракталик ноталарда ифода этилиши воҳа ижрочилиги ўзига хослигидан дарак беради.

Тошкент-Фарғона танбур ижрочилигида кўрсаткич бармоқдаги «нохун» харракка яқинроқ тарзда симга чертилади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, Тошкент-Фарғона ҳофизларининг овозлари орқали ифода этиладиган турли безак («нолиш», «молиш», «кашиш» ва ҳ. к.) лар ҳам танбур ижросида ўз аксини топган.

Тошкент-Фарғона воҳаларида танбур чолғуси ижрочилиги ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган



устоз созандалар Ризқи Ражабий, Уста Рўзматхон Исабоев, Мўйдин (Муҳиддин) ҳожи, Шодмон ҳожи, Асадқори Лутфуллаев, Отавали Нуриддинов, Мақсудхўжа Юсупов, Жўрабек Майдалиев каби санъаткорларни фахр билан тилга оламиз. Уларнинг ҳар бири аънавий танбур ижрочилигини ривожлантирибгина қолмай, балки ўзига хос услуби, яъни мактабини яратдилар.

Мана шу мактабларнинг энг мукамал ва чиройли инъикоси ўларок, забардаст созанда Турғун Алиматов услуби ва мактаби пайдо бўлганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Турғун Алиматов ўзбек танбур ижрочилиги аънасида янги бир услуб яратишга муваффақ бўлган билимдон санъаткордир. Аҳамиятли томони шундаки, бу услубда нохун юқоридан пастга эмас, аксинча, пастдан юқорига йўналтирилади. Бу ижро услуби кейинги пайтда танбур ижрочилари томонидан кенг қўлланиб келинмоқда.

Турғун Алиматов ижро услубида танбурнинг барча садолантириш усуллари — ижрога хос нола, кашииш, пирранг, гили-гили каби сайқал берувчи безаклар ўз аксини топган. Айниқса, пиррангнинг жозибадор талқини ва кетма-кетликда узлуксиз давом этиши Турғун Алиматов талқинида ўзгачадир. Шу боис бўлса керак, ёшлар танбур ижрочилигини ўзлаштиришда Турғун Алиматов ижро услубига мурожаат этмоқдалар.

Абдуфаттоҳ АБДУФАФФОРОВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси
ўқув бўлими бошлиғи



YOƒ'OCH O'YMAKORLIGIDA XATTOTLIK SAN'ATI



Ёғочга бадий ишлов берувчи усталар санъати кенг кўламда — меъморий қисмлардан то майда буюмлар: қаламдон, лавҳ тайёрлашгача бўлган ишларда ўз аксини топган. Безак гўзаллиги, қўлланиладиган хом ашёнинг табиий кўркам манзарасини очиб берувчи силлик, сайқалли буюмлар билан бир қаторда ҳукмдорларнинг ҳашамдор тахтлари, зодагонларнинг уй жиҳозлари, тахтиравонлар ҳам тайёрланган.

Текис-рельефли ва дандана ўймакорлиги, геометрик нақшлар уйғунлиги, туташ композициялар яратишнинг ўзига хос ҳисоб усулларини сақлаб қолди. Умумий услубий янгилик ёғоч ўймакорлиги санъатида ҳам ўз ифодасини топди.

XIX аср охирида ёғочга бадий ишлов бериш ривожланди. Рўзғор буюмлари, уй жиҳозлари, мусиқа асбобларни безашда усталар ўйма, бўяма ва қадама усулларидан унумли фойдаланишган.

XIX аср охири, XX аср бошларида амалий безак санъати тараққиёти жуда мураккаб, қарама-қаршилиқларда кечди. Унда янги услубий белгилар, янги образ ечимлари кузатилди. Бироқ рўзғор буюмларида безакларнинг соддалашуви кузатилди. Ушбу санъатга хаттотлик унсурларини киритилиши уни яна янги босқичга кўтарди. Бунда буюмлар эътиқод билан боғлиқ мавқега эга бўлди.

Бугунги кунда ҳам бу санъат ривожланиб, моҳир усталар кўлида ўз бардавомлигини сақлаб қолмоқда.

Акмал МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси,
уста-хунарманд





Sen borsan

1

Биламан, сен борсан,
 Ҳар бир хазоннинг
 Майин шивирида, ғамгин нозида.
 Сени чақираман манзилсиз шамол
 Ва озод ёмғирнинг хуш овозида.
 Баҳорнинг сарғайган ёди ичидан
 Ниманидир излаб чарчамас қуёш.
 Мен эса бир тола нур чақмоғида
 Нодон юрагимни фош қиламан, фош.

Сен борсан,
 Қуриган нозбўй шохчасин
 Ҳидлаётган туннинг димоғида жим.
 Тупроқ нафасида, осмон оҳида
 Жонимни пайпаслаб қўяётган ким?
 Чертаман умиднинг даричасини
 Кўнглимнинг хиноли бармоғи билан
 Дунё суратини беағим келар.
 Дилни ёшартирган ишқ доғи билан.
 Сен борсан, боғлардай хаёл сурасан,
 Мушкингдан энтикиб кетади ҳаво.
 Кўзимни негадир ачиштиради
 Кузнинг томоғига тикилган видо.
 Сен борсан...

2

Сувлар маънос тортди,
 Сўлган ялпизнинг
 Хотирасин олиб кетди олисга.
 Сувлардан ажралиб қолган соғинччи
 Юпатиб тўлдирдим ям-яшил ҳисга.
 Аммо вужудимнинг томирларида
 Эмаклар чарчади бетаскин ҳаёт
 Овоз бер, қайдасан, қўлларингни чўз,
 Ўзимни қайтадан айлайин бунёд.
 Бемажол қоқсуяк бармоқларимда
 Адашиб кетади кунлар саноғи.
 Ўчиришга шайдир қайсар шамоллар
 Қорачиғимдаги илинж чироғин...
 Сен борсан, дарахтлар орзусидай пок,
 Ҳар бир ҳужайрамда жимирлар само.
 Сен борсан,
 Дарёни ҳўплаган булутлар билан
 Ёдимга шудрингдай тушасан гўё.

Ёмғир товушида сенинг қадамнинг
 Юрагим зарбига кетар қовушиб.
 Ўзимни ўзимга таништириб қўй,
 Хазонлар ичида кетмай адашиб...
 Сен борсан...

3

Кўксимни тонгларга тўлдирган эдинг,
 Кечир, уни тунга сотганим учун
 Бугун исён қилар,
 Фавго кўтарар,
 Тонгни топиб бер деб дилимдаги хун.
 Кузакнинг сарғайган китобин ўқиб
 Гоҳо хушёр тортдим, гоҳ ўздан тондим.
 Дарёларнинг тиниқ кулгуси билан
 Умримни мен сенга қаттиқ ишондим.
 Сен борсан,
 Жонимга нур таралади,
 Юрагим қиқирлар қизалоқ мисол.
 Дарахт учидаги япроқдек дейман:
 Тўкилиш қиссасин айтиб бер, шамол.
 Офтоб жилмаяди. Хўрсинади куз
 Ғариб мусичанинг таронасидай.
 Яна дейман, дунё сени маст қилар
 Қалбимда чайқалган миллион йиллик май.
 Сен борсан, ишқимнинг кўзи мунаввар,
 Осмон Мажнун бўлар, Лайли бўлар ер.
 Сен борсан, муборак қўлларинг билан
 Кўксимга сен яна тонгни экиб бер.

4

Осмон гумбазида недир чарақлар.
 Гарчи силлам йўқдир, нигоҳим равшан.
 Сарғайган фаслнинг қоқ ўртасида
 Кўнглимнинг ичида барқ урар гулшан.
 Сен борсан,
 Рухимда уйғонар жунун,
 Йиғиштирдим синган бўлақларимни.
 Куламан, боғларда ўйнаса шамол
 Кийганча ёшлигим кўйлақларини.
 Мен боққан кўзгуда яшилдир олам
 Ва тундан ажратиб олдим ўзимни.
 Болдан ҳам тотлироқ ширин дард мавжи
 Ишқ билан суғорди яна кўзимни.

Сен борсан,
 Қўрқмасман қайғудан, куздан
 Тарк этди дилимни хазонваш титроқ.
 Тушкун Ҳалимани енгдим сен билан
 Мен ҳозир ошиққа ўхшайман кўпроқ.
 Сен борсан, ишқ ҳақи ибодат учун
 Хазонлар шошилиб солар жойнамоз.
 Учиб кетаётган қушлар кўксидан
 Кўксимга қуйилар сен берган овоз.
 Сен борсан...

Ҳомийлик таронаси

Ёмғир куйлар ёлғизликнинг таронасини,
 Куз қунишар, ела бошлар кўкси нам шамол.
 Тумшуғида бир дона хас, эзгин мусича
 Деразамнинг олдида жим суради хаёл.
 Хўл қаноти парвоз ишқин соғинган балки
 Балки уни ёмғир ҳиди айлагандир маст.
 Менга ишонч гултожидай кўринди бирдан
 Мусичанинг тумшуғида титраб турган хас.
 ...Ногоҳ сездим мен ҳам кузга айланганимни
 Хазон бўлиб кулганида заҳарханда ғам
 Ишончимни йўқотгандим ва эдим ожиз
 Қанотлари сувга бўккан мусичадан ҳам.
 Ва ёдимнинг боғларида куйган куй янглиг
 Ишончсиз ва бемор ишқни яна тингладим.
 Мени мазах қилиб турган дунё олдида
 Ёмғирларни ёмон кўриб, севиб йиғладим...
 Бўшлиқ кўрдим фаслларнинг айланишида
 Энг сўнгги ишончдан жудо бўлган чоғ.
 Йиқилдим.
 Шифокор бош чайқаб деди:
 Юрагингда чуқур доғ бор, жуда ёмон доғ...
 Ҳа, биламан дедим, бир номарднинг оёқ изи бу...
 Ва бу ўша ишончимни ўлдирган куннинг
 Қўлларида қарахт бўлиб ичганим жоду...
 Мен ишончни соғинганман худди баҳорга
 Ичиккан қалдирғоч кўзлари каби
 Мен биламан ёмғирларнинг остида маҳзун
 Ниманидир қўмсаяпти кузакнинг қалби...
 Мен ўша қалб билан кўрдим балки оламни
 Гарчи қисмат неларгадир кўрмади лойиқ
 Дилимдаги доғ рангида безаб умримни
 Яшаяпман, сездингизми сиз ҳам, халойиқ...
 Йўқолгандим ишончсиз ва бенаво тунда
 Охир топди Ҳақдан келган бир нафас мени.
 Кулаб кетган жарликлардан судраб чиқарди,
 Мусичанинг тумшуғида турган хас мени.
 Ва руҳимнинг чексиз кузги далаларига
 Шодлик, ишонч уругини экдим бирма-бир.
 Юрагимда ёниб турган ўша доғ ҳақи
 Афсонага айлантирай умримни ахир.
 Ёмғир куйлар тирикликнинг таронасини
 Куз яйрайди, чайқалади дарахтлар сармаст.
 Мени қарздор қилиб қўйдинг ҳаёт олдида —
 Мусичанинг тумшуғида титраб турган хас.



Teatr san'ati va homiylik

Меҳнат инсонни бир карра улуғлаган бўлса, санъатнинг яратилиши инсонни икки бор улуғлайди. Демокчимизки, инсон санъатдан фақат лаззатланибгина қолмай, ундаги эзгуликни, олижанобликни ўрганади ва шу йўлда ўз-ўзини тарбиялайди.

Ҳомийлик фаолияти ўз моҳиятига кўра миллий ва умуминсоний ҳодисадир. У энг аввало, миллий тотувлик, мамлакат фуқаролари ўртасида ўзаро аҳилликни ривожлантириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, юксак бадиий дид ҳамда ватанпарварлик, инсонийлик туйғуларини тараққий эттиришга хизмат қилади. Хусусан, театр санъатига бегараз ёрдам кўрсатишда миллатидан қатъи назар, фидоийлар кўплиги беҳад қувонтиради.

Айтиш керакки, давлатимиз театрларни ўзининг кучли ҳимояси остига олиб, иқтисодий таъминланиши хусусида мунтазам қайғуриши кундек равшан. Санъат соҳаси учун бу муқаррар ҳодисадир. Театр санъатига ҳомийлик фаолияти масаласига келсак, амалга оширилаётган хайрия ижодий жамоа учун кўшимча рағбат, касб доирасидаги кўтаринки кайфият омили бўлади.

Маълумки, жамиятимизда бозор муносабатлари чуқурлаша боргани сайин барча санъат турлари, жумладан, театр санъати ҳам ҳомийлик кўрсатиш ҳолатлари тобора кучая боради. Бу ҳолатда дунё театр санъатида кечаётган ҳомийликнинг илғор тажрибаларини ўрганиш асқотади. Бироқ бу каби тажрибани саҳна санъатимизга дастуриламал қилиб олиш кўзланган натижани бермаслиги мумкин. Бироқ ушбу хайрли тажрибанинг Ўзбекистонимизда ҳаётга татбиқ қилинишини назардан қочирмаслигимиз керак. Айни шу борада театр санъати оид ҳомийлик фаолиятининг инфраструктурасини яратишга қаратилган махсус бўлимни «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида ташкил этишнинг аллақачон вақти келганига шубҳа этмас ҳам бўлади, деган мулоҳазадамыз.

Яна бир муҳим масала, истиқболда театр санъати янгича иқтисодий таффакурга эга, бозор иқтисоди қонунларини пухта биладиган муносиб кадрлар тайёрланиши кун талабидир. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти «Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш» ва «Маданият ва санъат соҳаси менежменти» ихтисосликлари ўқув режаларига «Ҳомийлик фаолияти»га оид махсус фан киритиш энг маъқул, самарали, ўзини оқлайдиган йўлдир. Зеро, эртанинг эгалари бўлмиш ёшлар эртанги кунга мос дунёқараш, тафаккур тарзи ҳамда билимларга эга бўлмоғи лозим.

Аҳмаджон РЎЗМАТОВ,
Педагогика фанлари номзоди, доцент

Санъат — инсон қалбига, унинг қарашларига, маданиятига, ички оламига таъсир қилишда самарали восита. Унинг сўзсиз тури — рақс ҳам жозибаси билан эътиборли. Рақсда ҳаракат орқали моҳият намоён бўлади.

Raqslar og'ushida

Ўзбек рақс мактабининг узоқ ўтмиши, ўсиш йўллари бор. Устоз раққосларнинг изланишлари ва меҳнатлари самараси ўлароқ, бугун ўзбек рақс санъати гўзал аънаналари ва шаклига эга. Ўз ишининг устаси бўлган рақс санъати намояндаларидан бири Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, режиссёр-балетмейстер, устоз Шокир Аҳмедовдир.

Шокир Аҳмедов болалигидан санъатга, санъаткорларга ҳавас туйғуси билан ўсади. Шу ҳавас уни консерватория қошида жойлашган хореография билим юртига етаклайди. Уйи билан билим юртининг ораси узоқлигини, қолаверса, онасининг бир ўзи фарзандларини қийналиб боқаётганини ўйлаган Шокир Бешёғочдаги 20-Меҳрибонлик уйида яшай бошлайди. У ерда хореографиядан ташқари мусиқа ва рассомлик билим юрти талабалари ҳам борлиги боис, эндигина ўн ёшга тўлган болани қизиқарли ҳаёт бутунлай сеҳрлаб қўйди.

1962 йил ўқишни тамомлаб, Тошкентдаги филармония қошида очилган «Ўзбек ашула ва рақс» ансамблида фаолият бошлаб, раҳбар Қамтар Отабевдан касб сирларини ўрганади. Филармония санъаткорлари тез-тез хизмат сафарларига чиқар эди.

1968 йил ҳарбий хизматга қақирилгач, Шокир Аҳмедов ҳарбий қисмда ҳам рақс ансамбли тузади. Балетмейстер сифатида аскарлар иштирокида кўпгина жанговор рақслар сахналаштиради. Айниқса, «Аскар» рақси кўпчиликка маъқул бўлади.

1972 йил ўқишни тамомлайди ва «Шодлик» ансамбли бош балет-

мейстери сифатида иш бошлайди. Бу давр ҳақида Шокир аканинг ўзи шундай сўзлаб берганди:

— Рақслар оғушига шўнғиб кетдим. Мендай санъат шайдосига бу олам-олам завқ бағишлар эди. Аста-секин янгилик яратиш фикри мени батамом ўзига жалб этди. Кишини ўзига

тортадиган миллий йигитлар рақси ўшанда ҳали у қадар кенг қулоқ ёзмаган эди. Фарғона-Тошкент рақс мактабига таянган ҳолда иш олиб бориб, йигитлар рақсини сахналаштиришга киришдим. Кўп ўтмай доира ва ногора жўрлигидаги «Учар йигитлар» рақси вужудга келди.

Мусиқаси М.Мирзаев томонидан яратилган, солисти Н.Шерматов бўлган ушбу рақс ўзбек йигитларининг эпчиллиги-ю чаққонлигини яққол очиб беради. Рақсда ташқи кўриниш ҳам, кийимлар ҳам, руҳият ҳам уйғунлашади ва олқиш олади.

Шу тариқа Шокир Аҳмедов ўзбек рақс санъати тарихида айнан ўзбек йигитлари рақслари ривожига катта ҳисса қўшган фидойи балетмейстер сифатида ёрқин из қолдирди. Ўша пайтларда балетмейстернинг ижодини кузатиб юрган таниқли шоир Туроб Тўла уни Муқимий номидаги мусиқали драма театрига бошлаб келади. Шундай қилиб, Шокир Аҳмедов 1974 йилдан шу театрда бош балетмейстер сифатида иш бошлайди.

Шу кунга қадар Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрининг бош балетмейстери сифатида самарали фаолият кўрсатиб келаётган Шокир Аҳмедов яратган юзлаб рақслар ҳар бир мусиқали драма спектаклининг ёрқин ва мазмундор чиқишида катта ўрин тутди. Балетмейстер сахналаштирган рақслар, аввало, асарнинг ғоявий-бадиий мазмунини очишга хизмат қилган. Бу, айниқса, «Жоним фидо», «Лайли ва Мажнун», «Фотима ва Зухра», «Кўнглимнинг кўчаси», «Тобутдан товуш» каби спектаклларда яққол намоён бўлган.

Мустақиллик тантаналари, Наврўз ва бошқа байрамларда Шокир Аҳмедов яратган кўплаб рангбаранг театрлашган томошалар унинг ижодий фаолиятининг янги қиррасини намоён этди. «Авесто», «Сабъаи сайёр», «Буюк ипак йўли», «Алишер Навоий» каби театрлаштирилган томошалар тарихийлиги, ғоя ва сюжет тараннуми рақс ва пластик ҳаракатлар асосига қурилганлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шокир Аҳмедовнинг самарали фаолияти муносиб эътироф этилиб, 2001 йилда «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Айни кунларда муборак 72 ёшни қаршилаётган устоз Шокир Аҳмедов фарзандлар, шоғирдлар, мухлислар ардоғида. Тиниб-тинчимас, дроимо изланувчан бу санъаткорнинг сермаҳсул ижоди санъат аҳлига доим дастуриламал, чинакам рақс мактаби бўлиши шубҳасиз.

Анвар ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтининг катта ўқитувчиси

ESTRADA SAN'ATIDA ZAMONAVIYLIK VA MILLIYLIK MASALASI

Замонавий эстрада томошалари, хоҳ у эстрада хонандаларининг, хоҳ ҳажв усталарининг концертлари бўлсин, албатта, бир-бирини тақрорламайдиган ва турли номерларга эгаллиги билан ажралиб туради.

Сўнги йилларда юртимизда маълум бир саналарга бағишланган эстрада томошалари, миллий эстрадамизда фаолият кўрсатаётган кўплаб хонандаларнинг яккахон концертлари ташкил қилинмоқда. Бу томошаларнинг сахна декорациялари, сахнани ёритиш, овоз кучайтириш техникаси, томоша реквизитлари каби техник мосламалари барча замонавий талабларга жавоб беради. Бизнингча, замонавий эстрада томошасининг яна бир талаби ҳам шу. Яъни сахнани замон талабига мос безаш бугунги эстрада томошаларининг сифатини яна бир поғонага кўтарган бўлса, ажабмас. Чунки бундай замонавий сахнани безаш техникаси концертларнинг томошавийлигини ошириш билан бир қаторда, концерт ғоясини, мавзусини томошабинларга аниқроқ етказиш имкониятларини беради. Бугунги кунда юртимиздаги концерт саройларининг деярли барчаси ана шундай замонавий техник ускуналар билан таъминланган, албатта.

Ҳар қандай замонавий томоша юқорида таъкидланган замонавий техника билан жиҳозланиши масаланинг бир томони бўлса, унинг иккинчи томони, ғоя уйғунлиги, томошанинг композицион шакли, драматургияси ва режиссурасидир.

Шундай экан, замонавий томошани сценарийсиз ва профессионал режиссёр иштирокисиз ташкил этиб бўлмайди. Драматургия томошанинг асосини ташкил этса, режиссура уни қандай ташкил этиш зарур, деган саволга жавоб беради.

Замонавий эстрада томошаси режиссуранинг барча жиҳатларини ўзида мужассам этиши ва қолаверса, шакли жиҳатидан бадий яхлит бўлиши талаб этилади. Шакл ва мазмун бирлиги ҳар қандай замонавий томошанинг асосини ташкил қилиши зарур. Томошанинг ғояси давр муаммолари ва мамлакатда кечаётган ижтимоий воқеликни бадий образли ечимлар орқали акс эттириши ҳам мумкин. Бу масалада режиссёрнинг профессионал қарашлари, дунёвий тушунчаси, ижтимоий ҳақиқатни кўра олиш қобилияти, миллий аънаналарга бўлган муносабати муҳим ўрин эгаллайди.

Шундай экан, эстрада томошасида миллий ва замонавий уйғунликни сақлаш масаласида режиссуранинг, яъни томоша режиссёрининг ўрни бекиёсдир. Режиссёр томошани сахналаштириш давомида ижодий гуруҳни ташкил этади. Бу гуруҳда сценаристлар, бастакорлар, балетмейстерлар, рассомлар, режиссёр ассистентлари, актёрлар, хонандалар, рақослар, ижрочилар бўлади. Томошанинг замонавий ва миллий уйғунлигини ташкил қилиш талаби гуруҳнинг барча иштирокчилари зиммасига бир хилда тушади. Фикримизни қуйидагича изоҳлаш зарур. Томошани ташкил этиш жараёнига ҳисса қўшаётган ҳар бир ижодкор режиссёр ғоясини тўғри тушуниб, ушбу талабни ўз ижодида давом эттириши, бутун

жамоа бир бутунликда бир ғоя учун ишлаши лозим бўлади.

Эстрада томошаси ўз ичига йўналиши ва ички структураси жиҳатидан хилма-хил шаклдаги номерларни йиғиб олади. Режиссёрнинг асосий мақсади номерларни узвий боғлаш ва юқорида айтилган ғояга бирлаштириш бўлади. Балки томошага тайёр ҳолда олиб келинган номерлар ичида режиссёр ғояларини акс эттирувчи мазмунга эга бўлган кўринишлар кузатилмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда режиссёрдан катта профессионал маҳорат талаб этиладики, у ана шундай номерлардан воз кечмасдан, уларни ҳархил образли ечимлар орқали ёритиб, натижага эришиши мумкин.

Хуллас, томошани қай тарзда талқин қилиш, унинг ғояси ва мазмун-моҳиятида нимани акс эттириш режиссёрнинг маҳорати ва усталигига боғлиқ. Фақатгина мустаҳкам сценарий ва профессионал режиссура замонавий эстрада томошасининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Тарихий удумлар ва миллий кадриятлар билан тўлиб-тошган ва асосида маълум бир халқ урф-одатларини намоён этган томоша миллий бўлиб қолавермайди. Миллатимиз қизиқишларини акс эттирувчи, ёшлар дунёқарашини ўстирувчи, уларни эзгуликка бошловчи ғоялар сингдирилган томошалар миллий ва замонавийдир. Миллат маънавиятини тарғиб этиш, томошадан ўрин олган ижодкорлар ва томошабинларни бир уйғунликдаги ғояга бирлаштириш режиссёрнинг олий мақсади бўлиши зарур.

Ижрочиларимизда миллий ғурур, Ватанга муҳаббат, миллий урф-одат ва аъналаримизга, тарихимизга ҳурмат, келажакимизга ишонч каби фазилатларни уйғотиш зарур, деб ўйлаймиз. Замонавийлик деб, миллатга хос бўлмаган мусиқани, сахна кўринишларини, диалектларни ишлатавериш ноўрин.

Шу ўринда ёшларнинг мана шу жиҳатларини тарбиялаш борасида санъат ва маданиятга ихтисослашган ўқув юртларга катта маъсулият юкланади. Таълим-тарбиянинг эскича услубларидан воз кечиш, вақт синовидан ўтган аънавий усулларни давом эттириш, шу билан бирга замонавий ўқув ва тарбия жараёнларини жорий қилиш, бу борада олимлар, тажрибали мураббий ва устозлардан ўрганиш лозим бўлади. Шу билан бирга, ижрочилар устоз-шоғирд аъналарини давом эттириб бориши зарур. Мунтазам равишда ёш ижодкорлар ва устоз-мураббийлар билан илмий ва амалий конференциялар, ижодий учрашув ва семинарлар ўтказиб туриш ҳам назаримизда ижобий натижалар беради.

Фаррух ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтининг ўқитувчиси

Хайол ва ҳаёт

Таникли рус адиби Константин Паустовский «Олтин атиргул» китобида бадиий тўқима билан ҳаёт ҳақиқатининг бир-бирига мувофиқ келиши ҳақида қизиқарли фикр-мулоҳазаларни ёзади. Масалан, болакайлар катталардан «Бу нима? У нима? Нега бундай? Бу қандай бўлади? Нима учун?» — деб сўрайверади. Мабодо, шунақа болалардан бири «Хаёл нима?» деб сўраб қолса, энг ақлли катталар ҳам жавоб беришга қийналади. Бунга адиб тахминан шундай жавоб беради: «Хаёл бу — инсоннинг узоқ вақт турли воқеа-ҳодисаларни кузатганда йиғилган тажрибасидан, фикрлари ва туйғулари захирасидан фойдаланиб, ҳақиқий ҳаётдан қолишмайдиган хаёлий ҳаётни тўқиб чиқариш қобилияти».

Бола яна сўрайди:

— Ахир ҳақиқий ҳаёт бор бўлса, хаёлдаги ҳаётни тўқиб чиқаришнинг нима кераги бор?

— Ҳозирги одам уч аср аввалги ҳаётни кўрмаган, Галилейнинг шогирди бўлмаган, Гоголь билан Рим кўчаларини сайр қилмаган. Хаёл эса шу воқеаларда қатнашувга имкон беради.

Шундан сўнг К.Паустовский олтинлар водийси афсонавий Элдорадони кашф этишни Испания қиролидан сўраб, денгиз сафарига отланган зобит ҳақида ҳикоя қилади.

Албатта, Паустовскийнинг тасаввур ҳақидаги мулоҳазалари барча ижодкорларга тегишли. Масалан, Сервантес ҳам дон Кихот сиймосини тасвирлашда хаёл ва тасаввур қувватидан фойдаланган. Ўзбек адиби Абдуқаюм Йўлдошев «Пуанкаре» ҳикоясида ўзбек дон Кихотини кашф этади.

Ёзувчи истеъдодли олимнинг руҳий кечинмаларини, аччиқ изтиробларини жуда ҳаётӣй, ҳаққоний тасвирлайди, руҳий таҳлил — психоанализдан моҳирона фойдаланади: «У (дўстим), бир лаҳзада мени, осмонда учиб юрган жўрасини пўрсиллаб ёрилиб ётган қаттиқ заминга шунақанги гурсиллатиб урдик, суяк-суякларимга қадар майдаланиб, парчаланиб, миямнинг қатиғи отилиб кетди. Бу зарбанинг асорати ҳали-ҳануз ҳаётимни захарлаб келади... Не макон, не замонда умргузаронлик қилаётганимни англаб-англамай, атрофга нолон боқаман... Миллион тонналик улкан тош устимдан, мен эса торгина ёриққа (ҳарсанг ёрилган жойига) тиқилиб қолган одамдай нафасим қайтади... гурсиллаб ураётган юрак кўкрак кафасимни ёриб чиқиб кетгудай катталашаверади, катталашаверади...»

«Пуанкаре» қахрамони ҳақиқий фожей характер сифатида тасвирланади. Адабий-назарий қонуниятга кўра, оддий одамнинг бошига мусибат, фалокат ёғилса ва бу тасодифий бўлса, фожей руҳ келиб чиқмайди. Истеъдодли инсон буюк мақсади йўлида тенгсиз кураш-

да енгилса ё ҳалок бўлса, бу умумий фожиага айланади. Шу ўринда бир мулоҳаза: Абдуқаюм Йўлдошев «Пуанкаре» ҳикоясида бош қахрамонга ҳам, унинг хотинига ҳам, хиёнаткор дўстига ҳам исм қўймайди, эҳтимол, шундай тоифалар ҳаётда бир-икки эмас, кўпроқ учрайди, деб атайлаб исм қўймагандир. Бизнингча, ёзувчи бу қахрамонларига исм берганида яхши эди, унинг қахрамонлари Гоголнинг Акакий Акакиевич, Достоевскийнинг князь Мишкин, Лермонтовнинг Максим Максимич ёки Печорин каби машҳур қахрамонлари қаторига кирар эди.

Ёзувчи асарида Пуанкаре гипотезаси, фаразининг мураккаблигини бадиий деталь — тамсил ёрдамида тушунтиради: «Гипотезанинг моҳиятини тушуниш унчалик қийин эмас. Аммо, уни исботлаш, ечиш... Ахир тоғнинг тоғ эканлигини кўрасиз, унинг бағрида миллионлаб тонна руда борлигини билиб ҳам турасиз, аммо бу кўриш-билиш сизга шартта бориб, тоғ бағридан бир қоп олтин ёмбини кўтариб олиб чиқиб кетишга имкон бермайди-ку. Гипотеза мана шу жозибаси билан ҳам ўзига мафтун этарди».

Истеъдодли математиклар ҳам баъзи шоирлардай мажнун бўлиб қолишини «Пуанкаре»да кўриш мумкин: «Математиканинг ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган оҳанрабои бор-да: бирпасда ўзига тортиб олади-қўяди. Айниқса, уч ўлчовли Эвклид фазосида эришилган ечимлардан сўнг ярим эвклидли фазо геометрияси очилмаган кўриқ бўлиб турарди ўзиям. Аммо барибир Пуанкаре (гипотезаси) бошқача эди-да. Бу мавзу гўё биринчи муҳаббат каби, қалбимни сира тарк этмас, аксинча, тобора унинг қат-қатига чуқурроқ кириб бораётгандай эдим... Ҳеч чидай олмагач, уйкуни тенг ярмига қисқартирдим-да, тежалган вақтимни гипотеза исботини топишга бағишладим».

Асарда вақтнинг шафқатсизлиги, тез ўтиши, орқага қайтариб бўлмаслиги ҳақида фалсафий ўйлар оламшумул гипотеза исботига жуда кўп вақт талаб қилиниши билан боғлиқ. Қисса қахрамони оила курмасидан аввал вақтдан жуда унумли фойдаланаётган эди. Шунинг учун, ўзини бахтиёр ҳис қилар эди: «Ў, бу ҳаётимнинг энг ёрқин, энг мазмунли, энг шодон, ҳайратларга тўла кунлари эди. Ётоқхонада яшардим. Ўлгудай чарчардим (жиддий илмий-назарий китобларни ўқиб, тадқиқотларда фойдаланиш осон иш эмас), гоҳида ҳатто чой дамлаб ичишга ҳам ҳолим етмасди, баъзан суткалаб туз тотмасдим... Бирок мен бахтиёр эдим. Зеро, илмий ишим заррама-зарра олдинга силжиётгандай эди. Қўлларимдан мадор кетганида ерни тирноқларим билан кавлаб бўлса ҳам, эмаклаб, илгарига силжирдим». Ёш, истеъдодли олим оила қурганидан сўнг бу романтик хаёллар оила масъулияти, рўзгор ташвишлари билан алмашди.

Бадий асарнинг қадрини оширадиган фазилатларидан бири реализм ҳаётийлик, ҳаққонийликдир. «Истиқлол куёши» газетасида ёзувчи, драматург, санъат арбоби Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Куш уясида кўрган қилур (ёки билур)» сарлавҳали суҳбатини ўқиб қолдим. Унда оила қуришда қандай шартларга амал қилиш зарурлиги, оилавий ҳаёт яхши бўлиши нималарга боғлиқ эканлиги ҳақида халқимизнинг минг йиллик тажрибаси ҳақида қимматли фикрлар бор: «Никоҳда ҳар икки томон тенг ва бир-бирига муносиб бўлиши шарт. Агар шундай қилинмаса, турмуш ширин бўлмайди, эрнинг хотиндан, хотиннинг эрдан кўнгли тўлмайди. Келин ва куёв насл-насабда, ижтимоий мавқеда, билим-савияда, дид-фаросатда, иймон-эътиқодда, мулкдорликда бир-бирига яқин бўлишлари аълодир». Бу жуда муҳим масалалар ҳаётда доимо ўз таъсирини кўрсатиб туради. Донолар тажрибасида ҳам, шариатда ҳам куёв томон мулкдорликда келин томондан сал бўлса-да юқори бўлгани яхши дейилади. Аксинча, куёв камбағалроқ оиладан бўлса, келин томон уни менсимайди, етарли иззат-ҳурмат кўрсатмайди.

Абдуқаюм Йўлдошевнинг «Пуанкаре» ҳикоясида шу ҳолатни кўраемиз. Келин оилада биринчи кундан бошлаб раҳбарликни ўз қўлига олади. Доимо ақл ўргатади. Куёв илмга, ўз соҳасида кашфиёт қилишга берилгани сабабли, оила, рўзғор ишларида раҳбарлик қилишга вақти ҳам йўқ. Шунга қарамай, у қўшимча ишлар олиб, оилавий шароитини оз бўлса-да, яхшилашга эришади. Оқибатда илм-фан рўзғор ташвишига қурбон бўлади...

Аммо қахрамон Пуанкаре гипотезаси ечимини топиш мақсадидан ҳеч қачон қайтмайди. Шу боис изланишини давом эттира олувчи истеъдодли шогирд топганида ҳаётга қайтадан келгандай севинади. Бироқ... истеъдодли шогирд буюк устозга номуносиб, жўнгина яшашни афзал кўрувчи ёшлардан бўлиб чиқади...

Баъзи ўринларда ёзувчи бадий тўқимани меъеридан оширгани учун ҳаётийликдан узоқлашади. Чунки ҳаётда руҳий касалларни кўришга кунига икки марта эмас, етти кунда бир марта руҳсат берилади. Ва шифокорлар ўз беморларини бу қадар масҳара қилмайдилар. Қисса охирида шифокор ва истеъдодли шогирд олимнинг қўлөзмасини уйига бериб юбормай, макулатурага топшириши ҳам ўқувчини ишонтирмайди. Чунки ҳаётда шифокор ҳам, истеъдодли шогирдлар ҳам бу қадар мантиқсиз иш тутмайди. Ёзувчи бадий асарда муболаға қилишга ҳақи бор, аммо бу муболаға ҳаёт ҳақиқатига зид келмаслиги керак.

**Шоймардон РУСТАМОВ,
ЎзМУ тадқиқотчиси**

XORIJIY TILLARNI O'RGANISHDA MUTOLAANING O'RNI


Бугунги кунда хорижий тилларни билмай туриб жаҳонга бўйлашиб бўлмайди. Чет тилларини пухта ўрганиш борасида соҳа мутахассислари турли фикрларни илгари сурадилар. Махсус техника воситаларининг қулайлигини инкор қилмаган ҳолда, бу борада чет тилида китоб ўқиш энг фойдали усул деб ҳисоблаймиз.

Ҳар бир ўқитувчи ўзи таълим бераётган ўқувчилар ўша фанни яхши ўзлаштиришини хоҳлайди, албатта. Чет тили ўқитувчилари жаҳон адабиёти намуналарини уйда ўқиш вазифасини бериш орқали ёшларга инглиз тилини чуқур ўргата олиши мумкин. Бу жараёнда китобхон нафақат ўша тилнинг ўзига хос хусусиятларидан хабардор бўлади, балки барча турдаги адабиётларни ўқиш малакаси шаклланади, айти пайтда лексик лугат захираси бойийди, тилнинг янги грамматик таркиби билан танишади. Бу усулни қўлламоқчи бўлган чет тили ўқитувчиси кутилган самарани берадиган китоб танлаши зарур. Бунда ўқитувчилар маълум бир мезонларни: ўқувчиларнинг тил билиш даражаси, уларнинг ёши ва ўзлаштириш даражасини инобатга олиши керак.

Хорижий мамлакатларда чоп этиладиган даврий нашрларни ўқиш ҳам қўшимча дарс ҳисобланади. Газета ва журналларда ҳозирги вақтдаги маълум давлатга хос тил услублари, қисқартмалар, синонимлардан фойдаланилади. Шунингдек, ўқувчилар ҳар хил жанрдаги матнларни ўқиб, чет элдаги тенгдошларининг ҳаёт тарзи, маданияти ва урф-одатлари билан танишади. Бу эса ўз навбатида уларнинг чет тилларини ўрганишга бўлган хоҳишини кучайтиради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, инглиз тилини ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг тил билиш даражасини инобатга олган ҳолда, қизиқарли усуллардан фойдаланиш уларнинг чет тилларини ўрганишга бўлган иштиёқини оширади.

**Н. САТТОРОВА,
Тошкент архитектура ва қурилиш
институтини катта ўқитувчиси**



Nafis san'at ustasi



Musavvir ijodida tabiat tasviri

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги ва «Кексаларни эъзозлаш йили»га бағишлаб Хоразм вилоятида Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Курёзов асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда намойиш этилган портретлар, қадимий Хива манзаралари ва кенг кўламдаги мавзули картиналар санъат ихлосмандларига манзур бўлди.

Кўргазмадаги «Огаҳий портрети», «Маҳмуд Замахшарий», «Бибихоним», «Абулғози Баҳодирхон», «Зебунисо» каби портретлар, «Жалолиддин», «Нажмиддин Кубро» сингари картиналар мусаввирнинг юртимиз тарихини, улуғ сиймоларга оид билимларни чуқур эгаллаганини кўрсатиб туради.

Юксак ғоявий, аниқ мазмунли, халқчил, бадиий маҳорат билан ҳаққоний яратилган санъатгина томошабин идроки ҳамда ҳис-туйғуларига таъсир этади. Рассомнинг табиат ва тарихий обидалар манзаралари тасвир этилган асарларидаги ҳаёт ҳақиқати ҳам кишини қаттиқ ҳаяжонга солади. Кўз ўнгимизда гуллаб яшнаётган она Ватанимизнинг эпик манзараси гавдаланади. Суратларни қанча томоша қилманг, уни қайта-қайта кўргингиз келаверади. Чунки улар она диёримиз тарихи, буюк аجدодларимиз заковати ва жасорати, бугунги гўзал ҳаётимиз, Ватанимизнинг порлоқ истиқболи ҳақида ҳикоя қилади.

Тўра Курёзов ўзининг бутун ижодий фаолияти давомида тасвирий санъатнинг турли жанрларида ижод қилиб келмоқда. Лекин у кўпроқ нафис тасвирий портрет устаси сифатида шуҳрат қозонди. Бу портретлар ўз композицияси ва тасвир жиҳатидан миллий тасвирий санъатда янги бир ҳодиса дейиш мумкин.

Рустам ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Ўзбекистон халқ рассоми



Ўзбек рангасвир санъатида пейзаж жанри алоҳида ўрин эгаллайди. Бетакрор табиатнинг турфа ранглардаги кўриниши рассом маҳорати эъзозига гўзал манзарали асарга айланади. Рашид Темуров туғилиб ўсган юртининг манзарасидан илҳомланиб ижодининг асосий қисмини пейзаж, меъморий пейзаж яратишга бағишлаган рассомдир.

Болалигидан расм чизишга бўлган қизиқиши уни рассом бўлишга ундади. Айнан шу ният билан у 1932 йилда Самарқанд бадиий билим юртига ўқишга киради. Билим юртида унга машҳур педагог-рассом Павел Беньков таҳсил беради. Даврининг илғор қарашлари, ўз услуб ва ғояларга эга бўлган Беньков ёш Рашидга рангасвирнинг кўплаб сир-синаотларини ўргатади. Рассом ижодининг илк кунлариданоқ «Менинг шаҳрим», «Самарқанд», «Шоҳи-Зинда», «Бибихоним» деб номланган кўплаб асарлар яратади.

Рассом Рашид Темуров ижодини кузатар экансиз, унинг поэтик рассом эканлигига амин бўласиз. Унинг Самарқанд меъморчилигига бағишланган бир қатор асарларида шаҳар аҳолисининг турмуш тарзи акс этган.


Рашид Темуров ижодий фаолияти давомида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида кўплаб кўргазмаларда иштирок этган. Бугунги кунда унинг асарлари дунёдаги кўплаб машҳур музейларда сақланмоқда.

Шахло БАРНОЕВА,
санъатшунос



Рангасвир — сукунат сақлаётган поэзия, поэзия эса, жаранглаётган рангасвирдир.

Симонид КЕОССКИЙ





Келинг, бир кулбашаеи



ЯХШИЛАР ЁДИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, машхур қизиқчи Рустам Ҳамроқуловдан турли ҳангомалар, кулгуга бой ҳажвиялар қолган. Яқинда ёзувчи Рустамали Мамадалиев «Рустам қизиқдан янгиси бор» номли китобни нашрга тайёрлади. Қуйида эътиборингизга ушбу китобга кирган ҳангомалардан ҳавола қилинмоқда.

МУШУГИНГНИЯМ ЧАҚИР

Бир киши чўнтагида ўргатилган сичқон олиб юраркан. Спиртли ичимликка ўчроқ экан. Ҳар сафар ичганда бир томчи сичқонига ҳам ичкизиб кўяркан.

Кунлардан бир кун ресторанга кириб, юз грамм ичибди, бўлмабди. Яна юз-юз қилиб, 300-400 граммча ичиб қўйибди-ю, кайф етарли бўлмабди. Сичқонини ҳам унутмаган, унга ҳам 4-5 томчи ичкизган экан. Роса аччиғи чиқибди.

— Қани, яна олиб кел, — деса официант:

— Бўлди ака, энди ичманг, — дебди. Шунда у:

— Қани, ҳов «шеф»ингни чақир. Нима бу ароқми, сувми? — деб столга бир муштлаб официантга дўқ урибди.

— Хўп, хўп, ҳозир — деб официант кетаётса, сичқон ҳам чўнтақдан бош кўтариб чийиллабди:

— Мушугингниям чақир!

ЭШАК ЎФИРЛАШ

Бир куни Афанди бир жойда тўйни ўтказиб, одамларни кулдириб, эшагида ўзининг қишлоғига қайтиб кетаётган экан. Йўлда ҳеч ким яшамайдиган ўрмонзорнинг ичидан ўтиши керак экан. У ерда қароқчилар ўтиришаркан. Ўша пайтда эшаги билан ўтган киши ўрмондан шипшийдам бўлиб, онасидан янги туғилгандек бўлиб чиқаркан.

Афанди ўша жойдан хиргойи қилиб ўта бошлабди:

*Ёрим кетаман дейди-ей,
Кеткизгани қўймайман.
Йўлларига чим босиб-ей,
Ўткизгани қўймайман.
Йўл-ла-р-ига чи-им бо-осиб,
Ўт-ўт-каз-каз га-га-а...*

Одам кўрқса овози ҳам баландроқ чиқаркан-да: Ёр-им кета-м-аан, ёри-имм...

Қараса олти нафар отлиқ қароқчилар қий-қийлашиб, чувиллашиб, от чоптириб келаётганмиш. Бирпасда унинг атрофини ўраб олишибди.

Уларнинг бошлиғи:

— Ҳой, туш пастга қаёққа кетаяпсан, нега бу ердан ўтяпсан? Бу ердан бизнинг рухсатимизсиз мушук ҳам ўтолмайди, ҳамённи чўз, — дебди. Буни эшитган Афанди эшак устидаёқ тамом бўпти. Нима қилишини билмай, секин эшагидан тушиб, унинг тагига кириб олибди.

— Ҳой, эшакни тагидан чик, жонми, ҳамён? — деса у:

— Менга айтяпсизларми? — дермиш.

— Ҳа, сенга айтяпмиз.

— Мен одам эмас, мана шу эшакни боласиман, — дермиш.

Бу гапни эшитиб қароқчилар бошлиғи куламан деб отидан ағдарилиб тушибди. Ерда ётиб ҳам қорнини ушлаб воҳа-воҳ-ҳа, деб кулаётганмиш.

— Эй, нима деяпсан, бу эшак эркак-ку! — дебди ўрнидан туриб.

— Мени онам отамга ташлаб кетган, бу отам, мен боласиман-да, — дермиш Афанди.

ДЎППИСИ ҚАНИ?

Бир бола чўмиламан деб каналга тушиб кетибди. Уни кўрган бир киши шартта ўзини сувга отиб, болани қутқариб олибди. Оёғини осмондан қилиб, сунъий нафас олдирибди. Кийимларини ечиб, офтобда қуритиб, кийдирибди.

— Ҳой, ҳой, яхшиям мен бор эканман. Мен бўлмасам сени ким қуритарди? — деса бола яп-яланғоч қалтираб:

— Раҳмат, тоға, сизни ҳам илоҳим Худойим қуритсин, — дебди.

— Оғзингда замбарагинг борми? Кимнинг ўғлисан, муттаҳам? — дейди болани қутқарган киши жаҳли чиқиб:

— Мен Мамарайим тажангнинг ўғлиман, — дебди бола.

Мамарайим тажанг икки маҳалла нарида тураркан. Унинг уйига болани обориб дарвозадан киритиб уйига қайтибди. Икки пиёла кўк чойни ичиб-ичмабди, дарвозаси рапада-ванг очилиб, Мамарайим тажанг ўғлини етаклаб кириб келибди.

— Менинг ўғлимни қутқариб қолган сенми? — дебди тажанг.

Бола уйига кирганда дадаси, онаси кўриб ким қутқарди, деб сўраб аниқлагач, хотини боринг рози қилиб қўйинг, дея жўнатган, чопон-мопон бериб юборган бўлса кийдириб кетса керак, деб ўйлабди ҳалиги киши.

— Э, ака, кераги йўқ, бир жойни одамимиз ахир! Ҳожати йўқ, қўйинг, уят бўлади, — деса Мамарайим тажанг:

— Нима уят бўлади, ниманинг ҳожати йўқ. Бунинг дўпписи қани?

ҲЎКИЗ ЭМАС, ДИПЛОМ БУ

Бир киши кўчада ҳўкизини етаклаб кетаётса, таниши учраб қолиб сўрабди:

— Ҳа, Мамарайим, ҳўкизни қаерга олиб кетаяпсиз?

— Ҳўкиз? Қани ҳўкиз?

— Ана, қўлингизда арқони, кўрмаяпсизми? — деса у:

— Шу ҳўкизми? Бу сира ҳам ҳўкиз эмас, диплом.

— И-е, ҳўкиз-ку! — дебди таниши.

— Бекор гап, бу диплом, ҳўкиз Тошкентда ўқияпти.

БАРИБИР ЧЕКДИМ-КУ!

Ёқилғи қуйиш шохобчаси ёнига енгил автомашина келиб тўхтаб, ундан олифта йигит тушиб сотувчига дўқ урибди:

— Қани, бизни тойчоққа йигирмата бензин қуй.

— Ҳозир, ака, мана бу машиналарни жўнатиб юборай, — дебди сотувчи.

— Тезроқ бўл, вақтим йўқ. Ҳа, майли мен чекиб-олай, — деган экан шохобча ходими:

— Ҳов ака, кўрмаяпсизми, бу ерда чекиш мумкин эмас. Ана ёзиб ҳам қўйганмиз, — дебди.

Олифта пинагини бузмай:

— Агар чексам нима бўлади? — деса ходим:

— Жарима тўлайсиз, — деган экан олифта баттар тутақибди.

— Агар чексаму жарима тўламасам, сен йигирма литр бензинни текинга қуйиб берасанми?

— Бўпти.

Улар келишишгач, олифта чўнтагидан носқовоғини чиқариб тили остига бир чеким нос ташлаб дебди:

— Кўрдингми, чекдим-ку, қуй, йигирматани...

ДЎСТИМ, СЕНГА АЙТАМАН...

Иложи борича сирингни бировга айтма. Чунки кимсага сир айтиш шамолга сир айтишдек гап: шамол билганни — дарахт билади, дарахт билганни — ҳамма билади.

* * *

**Билиб қўй, тилни тийиш
— энг қийин иш.**

* * *

Ўзингни ўзинг бозорга солаверма — барибир нархинг кўтарилмайди.

* * *

**Мияни нафақат чўққига
чиқаётганда, балки ундан
тушаётганда ҳам ишлатмоқ
керак.**

* * *

Билиб қўй: қўли эгриликдан қўли калталиқ яхшироқ.

* * *

**Қадам ташлашдан олдин
майли, етти эмас, етмиш
марта ўйла, аммо биринчи
қадамни босдингми, икки-
ланишни бас қил — кейин-
гиларини шахдам давом
этир.**


* * *

Жавобдан қутулишни иста-санг, саволга тутилишдан сақлан.

**Мухаммад ТОШБОЛТАЕВ,
профессор**

Куз — олтин фасл, олтинранг ҳазонлар, ёлғирлар шибери кўнглига ажиб туйғулар солади. Эрталабки ишиқ ортобга ишониб энгил кийишда кўрага қирқан одаи келга бориб совқотишиш мулккин. Бу йилги куз мавсумида мода олаши мутахассислари бизга қандай кийиш ва аксессуарларни тавсия этишилоққини? Тошкент тўқушчилик ва энгил саноат институти катта ўқитувчиси Нарғиза Муртолипова билан шу мавзуда сузбатиладик.

Oltin faslning jozibali liboslari



— Нарғиза опа, куз мавсумида модельерларимиз аёлларимизга қандай либослар кийишни тавсия қилишади?

— Иссиқ ёз фаслидан сўнг куз мавсумига мослашиш, энгил кўйлақлардан воз кечиш, кузга мос кийишни бироз ноқулайликлар туғдиради. Шундай экан, куз мавсумидаги об-ҳавони ҳисобга олган ҳолда, пахта толали матолардан тикилган энги узун ёки ярим узунликдаги кўйлақлар, блузкалар ҳамда уларнинг устидан жакет, жилет, трикотаж ёки энгил тўқилган кардиган кийишни тавсия қиламан.

— Бу йилги куз модаси, яъни услуб, бичим, ранглар ҳақида гапириб берсангиз?

— Бу йилги куз модасида «А» шакли кўринишидаги кийимлар, бўрттириб кўрсатилган елкали либослар урфга кирган. Учбурчак шаклли кийимлар аёлларни янада латофатли ва жозибали қилиб кўрсатади. Либоснинг елка қисми тор, этак қисми эса кенглиги бу шаклнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Либосларда ранглар уйғунлигини тўғри танлаш кайфиятга ҳам таъсир қилади. Бу йилги куз мавсумидаги либосларда қуйидаги ранглар урфга кирган:

Аметист орхидея ранги — бу ранг кварцнинг совуқ ёруғлиги ҳамда орхидея гулининг ажойиб илиқлигини ўзида мужассам этган бўлиб, у бир вақтнинг ўзида нозиклик ва ўктамликни акс эттиради.

Фируза ранги — сирлилик ва беқиёс теранлик ҳиссиётини яратади. Бу ранг ҳар томонлама яхши ҳисобланиб, у башанг кўйлақларга, ҳамда офис либосларига ҳам мос келади.

Олов ранг — бу ранг бўлмаса кузги ранглар мутаносиблигини тасаввур этиш қийин. Олов ранг туси кузда табиатнинг ҳар ерида учрайди. Сарғайган япроқлар, фарқ пишган мевалар ва жозибали гуллар бу рангга мурожаат қилиш учун етарли асос бўлади. Бу йилги мавсумда ҳам ушбу ранг етакчилик қилади.

Пушти ранг ёш танламаслиги билан аҳамиятли. Айниқса, бошқа ранглар билан уйғунлашиши бу рангни янада очади.

Шалфей гули ранги куз табиатининг ҳақиқий сиймосидир. Бу ранг сокин ва хотиржам аёлларга мос келади.

Тўқ яшил ранг — ишбилармон аёлларга жуда мос келади. У бир вақтнинг ўзида жиддийликни ва осудаликни ифодалайди. Бундан ташқари, бу ранг сокин спектр рангларига мос тушади, ҳамда қора рангга муқобил бўла олади.

Тўқ қизил ранг — кузнинг асосий ранги сифатида урфдадир. У ҳосилдорлик ва олижанобликни ўзида мужассам этади.

Силлиқлаштирилган эман ранги ўзида илиқликни ва ишончни ифодалайди

Тўқ кўк — сирли аёл сиймоси ва оддий қулай кундалик либосларга хосдир.

— Урфдаги кийимларга қандай миллий орнаментлар қўйиб ёки тикиб кийса бўлади?

— Урфдаги замонавий кийимларга ўзбек миллий каштачилигининг исталган туридан қўллаш мумкин. Бунда Бухоро зардўзлиги, Сурхондарё, Қашқадарё каштачилиги, попоп, босма кашта элементларини, абр матолари тасвирларини, принт, аппликация, бисер ёки лазер ёрдамида матодан гул кесиб безак сифатида қўллаш мумкин.

— **Кузги либосларга қандай миллий аксессуарларни тавсия қиласиз?**

— Кузги либосларга миллий элементлардан нусха туширилган батик ва босма техникасидан фойдаланилган шарфлар, миллий орнаментлар акс эттирилган белбоғлар, миллийлик асосида замонавийлаштирилган тақинчоқлар, миниатюра ва эркин расм солиш техникасидаги соатлар, абр матоси элементидан фойдаланилган, чармдан тикилган тўғри кўринишдаги сумкаларни тавсия этамиз.

— **Мавсумга мос кийимлар ва аксессуарлар тайёрлашда, умуман бирор ранг ёки кийимни урфга киритишда қандай манбаларга асосланасизлар?**

— Бу кенг қамровли иш. Дунё либос усталари ишлари, миллий дизайнерларимиз тавсиялари, табиат, иқлим, миллий менталитет сингари кўп жиҳатлар ўрганиб чиқилади. Баъзан бу ўз-ўзидан рўй беради. Эътибор берсангиз, кейинги пайтларда йилнинг барча фаслларида атлас ва адрас матосидан кўйлақлар, костюмлар, пиджаклар, айниқса, санъаткорлар учун саҳнабоп кийимлар кўп тикилмоқда. Бу ўз-ўзидан миллий матоларимизга кўпроқ мурожаатни келтириб чиқаради. Мода ёки бирор ранг ва бичимнинг урфга кириши кўпроқ дизайнерларнинг мода ҳафталиклари учун яратган либосларида, мавсумбоп кийимлар ишлаши билан рўёбга чиқади.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

— **Аёл киши нафақат кўча-кўйда ва тўй-ҳашамда, балки уйда — оила даврасида ҳам гўзал ва жозибали бўлиши зарур. Фарзандлари, умр йўлдоши энг латофатли аёл тимсолини ўз уйида кўрса, қандай яхши. Бунда аёлларимиз ўз диди, нафосати, фасоҳатига таянадилар. Бу борада мутахассислар тавсияларини ҳам инобатга олиш фойдадан ҳоли бўлмайди.**



Нигина ФУЛОМОВА суҳбатлашди

1kir-fikrlar

Фарзанд эр-хотин муносабатини янада мустаҳкамлайди. Бола туғилгунга қадар ўзаро урушган бўлишса, энди бир ёқадан бош чиқариб, болани уришишади.

Чала файласуфнинг мулоҳазаси.

«Ҳаётда кутилмаган воқеалар бўлиб туради, тайёр тур» деб ақл ўргатаётган ўртоғим жағига бир мушт тушириб, «Кутмагандинг-а?» дедим. У оғзини ланг очганча қолаверди.

Икки дўстнинг суҳбатидан.

«Хуррак ҳам кўрқинчли бўладими?» «Албатта. Айниқса, сени машинада олиб кетаётган ҳайдовчининг хуррагидан кўрқинчилиси йўқ».

Устознинг шогирдига айтгани.

Мени ёқтирмайдиганлар ҳам борлигини тўғри тушунаман. Ҳаммининг ҳам диди зўр эмас, ахир.

Концертига ҳеч ким кирмаган хонанданинг ҳасрати.

Боқабатган итинг сени одам деб ҳисоблайди. Унинг ишончини оқла. Одам бўл.

Янги бойнинг итбоқарга айтгани.

Мусахҳиҳ дафтарида

Қалбимда унга нисбатан умуман жин (кин) йўқ.

Ҳозирги ҳолатингда сенга ёрдам берадиган ягона нарса қабр (сабр).

Кел ошна, шу тўпингни менга от (сот).

Сиз унинг сомон (камон) қошларини кўрган мисиз?

Нимасини айтай, укам, қалбида гарди (дарди) йўқ инсон бўлмаса керак.

Мен умуман эрим(ирим)га ишонмайман.

Машҳурлар ҳаётидан

Эрнест Хемингуэй овга жуда ишқибоз экан. Кунлардан бир куни у ов саргузаштларидан гапириб бераётганда тингловчилардан бири сўраб қолибди:

— Айтишларича, агар одам кўлида ёниб турган машъала олиб юрса, унга ёввойи ҳайвонлар ҳужум қилмас экан. Шу тўғрими?

— Бу машъалани қандай тезликда олиб юришга боғлиқ, — деб жавоб берибди машҳур ёзувчи.

* * *

Француз мутафаккири Монтен шундай деган экан:

— **Менимча, дунёда энг тўғри тақсимланган нарса — ақл!**

— **Нега бундай деб ўйлайсиз?**

— **Чунки шу маҳалгача ҳали ҳеч ким ақли камлигидан нолимаган.**

* * *

Бернард Шоудан сўрашибди:

— Сиз қандай қилиб ҳозиржавоблик билан ақлли гапларни топасиз?

— Э, бундан осон нарса йўқ, — дея жавоб берибди машҳур ёзувчи, — беъмани нарсаларни хаёлимдан ўтказаман-да, кейин тескарисини айтаман.

* * *

Машҳур итальян композитори Россинига ёдгорлик ўрнатмоқчи бўлишганда у ўттиз ёшда эди.

Шаҳар маъмурияти буни билдириб қўйиш учун унинг олдида вакил юборди.

— **Ёдгорлик қанчага тўшаркин? — деб сўради ёш санъаткор.**

— **Уч юз минг лира.**

— **Нима? Уч юз минг лира?**

— **дея хитоб қилди Россини.**

— **Ўша пулни ўзимга бера қолсанглар-чи? Мен бунинг эвазига Римнинг марказий кўчасида кунига бир неча соат тик туриб бераман.**


«НОДИР АСАРЛАР» — ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. «Шоҳнома». 2. «Чойнома». 3. «Даҳнома». 4. «Тўтинома». 5. «Зафарнома». 6. «Қобуснома». 7. «Саёҳатнома». 8. «Хумоюннома». 9. «Наврўзнома». 10. «Саодатнома». 11. «Искандарнома». 12. «Муҳаббатнома».

МУАММОНОМА

Калит сўзлар: 1. «... нафоис». 2. «Баҳористон». 3. «Мубаййин». 4. «Широқ». 5. «Тўмарис». 6. «Оташқада». 7. Ёднома.

Шакл атрофида: «Бобурнома». «Шайбонийнома». «Ҳақиқатнома». «Сиёсатнома». «Кийикнома». «Офариннома». «Мушибатнома». «Садоқатнома». «Сафарнома». «Рўшноинома».



«УСТОЗГА ТАЪЗИМ» КРОССВОРДИ

Занжир ҳолида: 1. Биринчи ўзбек профессори, ёзувчи, олим, давлат ва жамоат арбоби. 2. Геродот асос солган фан. 3. Алгебра фани асосчиси, ўрта аср қомусий олими, ватандошимиз. 4. Билим олиш, дарс. 5. Устоз ўзбек педагоги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, илк «Алифбе» дарслиги муаллифи. 8. Янги усулдаги мактаблар учун дарсликлар ёзиб қолдирган маърифатпарвар. 9. «Олти тилли лугат» тузган наманганлик ўзбек маърифатпарвари, тилшунос. 10. Билим бериш, малака ҳосил қилиш жараёни. 15. Атоқли ўзбек файласуф олими. 16. Устоз жарроҳ, Ўзбекистон ФА академиги, фан арбоби. 17. Хусайн Бойқаро саройида муаллимлик қилган адиб, «Нодир воқеалар» асари муаллифи. 25. Ижод аҳли устоз деб билувчи ўзбек мутафаккир шоири. 26. Мумтоз ашула ва мақомлар ижроچиси, Ўзбекистон халқ артисти. 27. Рангтаъбир устаси, Ўзбекистон халқ рассоми.

Энига: 6. Инсоннинг фикрлаш қобилияти. 11. Абу Райҳон Беруний таърифича: «Сўзловчи истагини тингловчига етказувчи таржимон.» 14. Мақолдан: Кўз бор — кўрмоқ учун, ... бор билмоқ учун. 19. Зиё, ёғду. 20. Маърифат ҳомийси, ўз даврида дарслик сифатида фойдаланилган «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари муаллифи. 23. Араб алифбоси ҳарфи. 24. Кишилиқ олмоши. 28. Қатъий сўз, қарор.

Бўйига: 7. Ўз номи билан аталувчи тасаввуф тарғиботчиси, шайх. 12. Ўзбек алифбосида қўлланилаётган ёзув. 13. Шоирларга устозлик қилган ўзбек ғазалнавис шоираси. 21. Ахлоқ ўргатиладиган фан. 29. Атоқли театр

санъаткори, Отелло образи ижроچиси. 30. Бухоролик устоз зардўз аёл, Ўзбекистон Қаҳрамони. 31. Театр ва кино санъати актёри, Ўзбекистон халқ артисти.

Диагонал бўйича ўннга: 18. Таниқли муҳаддис, ватандошимиз. 22. Мумтоз бадий ижодда ҳамсачиликка асос солган озарбайжон шоири. 30. Ватанимизда қўлланилаётган билимни синаш, имтиҳон тури.

Диагонал бўйича чапга: 18. Ўрта аср қомусий олими, биринчи глобусни ихтиро қилган ватандошимиз. 22. Абу Али ибн Синога илк сабоқни берган устоз, замонасининг билимдони. 31. Билим ва меҳнатдан эришиладиган мамнунлик, саодат.



МУАММОНОМА

Шакл атрофида мумтоз қасидаанавис шоир Камолiddин Биноийнинг тўрт мисра ҳикматли сўзи яширинган. Уни қуйидаги қалит сўзлар жавоблари орқали билиб олинг.

1. Сўз санъати — 1, 2, 1, 10, 6, 17, 5.
2. Ўтилган дарслар, ўзлаштириш кўрсаткичлари қайд этиладиган дафтар — 18, 8, 3, 7, 1, 15.
3. Давлат томонидан белгиланган жамиятда кишилар муносабатини тартибга соладиган қонун-қоидалар мажмуи — 13, 8, 9, 8, 9.
4. Юксалишининг ҳар бир босқичи — 12, 4, 16, 4, 7, 1.
5. Кишилиқ олмоши — 11, 14, 7.

Фозилжон ОРИПОВ тузди

MUZAFFAR YILLAR, NURAFSHON YO'LLAR, QUDRATLI QO'LLAR KAFTIDA YUKSALGAN KO'PRIK



Суратга олиш қизиқ жараён. Кўз кўриб, қалб англаган ҳолат фоторассомнинг маҳорати билан қоғозга муҳрланади. Энди бу сурат ҳар бир кўрган одам учун ўша лаҳзани яшаш завқини беради.



Таниқли фоторассом Абдуғани Жуманинг ижодий ишларини кузата туриб, ҳаётнинг ҳар лаҳзасидан завқланадиган, умрнинг такрорланмас ҳар бир онини мазмунли яшаб ўтиш иштиёқи бор одамни кашф қилиш мумкин. Абдуғани Жумани юртимиз ижодкорлари яхши танишади. Адабий-бадий нашрларда, газета-журналларда фоторассомнинг ишлари тез-тез кўзга ташланади. Уларни таниб олиш, бошқа суратлардан ажратиш осон. Абдуғани Жуманинг ҳар бир ишида ижодкорлик, улкан дид, ёруғликни кашф этиш санъати акс этиб туради. Айниқса, ижодкорнинг кейинги йилларда «Бунёдкорлик эпопеяси» деб номланган кўрғазмаси фото санъати муҳлислари дилидан жой олди.



Яқинда Тошкент Фотосуратлар уйида унинг энг улуг ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишланган «Музаффар йиллар, нурафшон йўллар, қудратли қўллар кафтда юксалган кўприк» номли шахсий фотокўрғазмаси бўлиб ўтди. Аввалги кўрғазманинг мантиқий давоми сифатида бу галгиси ҳам ҳайрат ва ҳаяжон билан қарши олинди. Бу туркум асарларда юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари хронологик равишда фотосуратларга муҳрланган.

Кўрғазма диққат билан томоша қилган кишида амалга оширилган ишлар ҳақида янада кенгроқ тасаввур пайдо қилади. Унинг қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган барча ишлар инсон манфаати учун, ҳаётининг янада яхшироқ, гўзалроқ бўлиши учун қилинаётганлигини ҳис қилади, дилида эртанги кунга ишонч, шукроналик туйғуларини туяди.

Аҳмад ТўРА



486 7911

O'ZBEK DAVLAT SIRKI

BARCHA VATANDOSHLARIMIZNI
QIZIQARLI, QUVNOQ DASTURLARIGA
TAKLIF ETADI



ISSN 2091-5330

OBUNA DAVOM ETMOQDA

Indeks: yakka obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.

Хизматлар лицензияланган